

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ**

Қўлёзма ҳуқуқида
УДК 347.19.155 (584.4)

ЖУРАЕВ АБДУЛАЗИЗ ЖАЛИЛ ЎҒЛИ

Мехнат ҳуқуқида жавобгарлик: назарий ва амалий жиҳатлари

5A240115 - Мехнат ҳуқуқи мутахассислиги бўйича

магистр академик даражасини олиш учун ёзилган

ДИ С С Е Р Т А Ц И Я

Илмий раҳбар: юридик фанлар
доктори, профессор М.Усманова

Тошкент-2016

Мундарижа

Кириш	3
I БОБ. МЕҲНАТ СОҲАСИДА ҲУҚУҚ ТАРТИБОТ ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИКНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ	
1.1. Меҳнат муносабатларида ҳуқуқ тартибот ва юридик жавобгарлик: тушунчаси ва моҳияти.....	10
1.2. Меҳнат ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келиш асослари ва шартлари.....	16
I боб бўйича хулоса	
II БОБ. МЕҲНАТ ТАРТИБИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИК: МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА	
2.1. Интизомий жавобгарлик тушунчаси ва унинг турлари.....	33
2.2. Интизомий жавобгарликка тортишда миллий ва хориж қонунчилиги таҳлили.....	36
II боб бўйича хулоса	
III БОБ. МЕҲНАТ ШАРТНОМАСИ ТАРАФЛАРИНИ МОДДИЙ ЖАВОБГАРЛИККА ТОРТИШНИНГ НАЗАРИЙ ВА АМАЛИЙ МУАММОЛАРИ	
3.1. Меҳнат муносабатларида моддий жавобгарлик тушунчаси ҳамда унинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик билан нисбати.....	48
3.2. Иш берувчига етказилган зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлиги чегарасини белгилаш масалалари.....	55
3.3. Меҳнат муносабатларида иш берувчининг жавобгарлигини белгилашнинг назарий ва амалий муаммолари.....	70
III боб бўйича хулоса	
Хулоса	77
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	81

Иловалар

Кириш

Магистрлик диссертацияси мавзусининг асосланиши ва унинг долзарблиги.

Мамлакатимизда бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтиш шароитида ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларида, хусусан меҳнат соҳасида фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда давлат органлари, жамоат ташкилотлари, мансабдор шахсларнинг, шунингдек, барча фуқароларнинг ўзига юклатилган мажбуриятларни ҳалол ва виждонан бажаришларида юридик жавобгарлик масаласи муҳим аҳамият касб этади. Шунингдек, юридик жавобгарлик жамият ва унинг турли бўғинларида, хусусан, меҳнат соҳасида ҳуқуқ тартиботни таъминлашнинг зарурий шартларидан бири бўлиб ҳисобланади.

Юридик жавобгарлик муаммоси умумий ҳуқуқ назариясининг, шунингдек турли ҳуқуқ соҳаларининг предмети сифатида ўрганилиб тадқиқ этиб келинмоқда. Сўнгги йилларда юридик жавобгарликнинг моҳиятига алоқадор ҳам фундаментал, ҳам амалий тусдаги масалалар шаклланиб, уларни ҳал қилиш бўйича асосли таклифлар ишлаб чиқишга ҳаракат қилинмоқда. Албатта ҳар қандай фан учун турли қарашларнинг мавжудлиги ўзига хос хусусият бўлиб ҳисобланади, муаммога бошқача ёндошиш, бошқа нуқтаи назар билан қараш фаннинг ривожланиши учун зарурий шарт бўлиб ҳисобланади.

Мамлакатимизда тарихан қисқа вақт ичида иқтисодий, ижтимоий ва сиёсий соҳада туб ўзгаришлар содир бўлди. Ўзбекистон Республикаси Президенти И.А.Каримов таъкидлаганларидек, “Иқтисодиёт ва хизмат кўрсатиш соҳасининг юқори суръатлар билан барқарор ўсиши биз учун энг муҳим устувор йўналиш бўлган – аҳоли бандлигини таъминлаш, авваламбор, касб-ҳунар коллежлари ва олий ўқув юртлари битирувчиларини ишга жойлаштириш учун зарур шароитлар яратди. 2015 йилда иқтисодиётимизни юқори суръатлар билан барқарор ривожлантиришга эришганимиз аҳоли даромадларини янада кўпайтириш, одамларимизнинг ҳаёт даражаси ва сифатини ошириш учун мустаҳкам асос яратди”¹.

Юридик жавобгарлик муаммоси доимо долзарб аҳамият касб этиб, ўзгарган ижтимоий шароитларга янгича ечимларни топишни талаб қилади. Шу билан бирга қайд этиш лозимки, юридик жавобгарлик тушунчаси ва унинг турларига нисбатан ягона қарашнинг мавжуд эмаслигини ижобий баҳолаб бўлмайди. Натижада жавобгарликнинг соҳавий табиати ҳақида тадқиқот олиб боришда мазкур фундаментал муаммоларга тўхталиш лозим бўлади. Шу нуқтаи назардан тадқиқотда умумий назария доирасида

¹ Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислохотларни, иқтисодиётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Халқ сўзи, 2016 йил 17 январь сони.

меҳнат соҳасида юридик жавобгарликнинг ҳуқуқий муаммолар ечимини топиш талаб этилади.

Меҳнат ҳуқуқи мустақил ҳуқуқ соҳаси сифатида бошқа ҳуқуқ соҳаларидан фарқли равишда жамиятнинг ижтимоий манзараси ва турмуш даражасига бевосита таъсир кўрсатувчи иқтисодий жараёнлар билан чамбарчас боғлиқ. Меҳнат қонунчилигини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичида меҳнат соҳасидаги жавобгарлик меҳнат ҳуқуқининг институти сифатида меҳнат муносабатларини тартибга солишда муҳим ўрин эгаллайди. Меҳнат қонунчилигини қўллашда ундаги тушунчалар, таърифлар ва қоидаларнинг аниқлиги муҳим омил бўлиб ҳисобланади. Шунинг учун меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги мутахассислар олдида меҳнат ҳуқуқи соҳасида ходимлар ва иш берувчилар жавобгарлиги билан боғлиқ норматив ҳуқуқий ҳужжатларни, шунингдек, суд амалиётини ҳар томонлама таҳлил қилиш вазифаси турибди.

Шу нуқтаи назардан меҳнат муносабатлари соҳасида юридик жавобгарликнинг вужудга келиши, унинг алоҳида турларини меҳнат шартномаси тарафларига нисбатан қўллаш механизми бўйича меҳнат ҳуқуқи нормаларини чуқур таҳлил этиш зарурати мавжуд. Хусусан, интизомий жавобгарликни маъмурий ва жиноий жавобгарликдан, моддий жавобгарликни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан фарқларини кўрсатиб берувчи асосларни ишлаб чиқиш, интизомий жавобгарликка тортишда интизомий жазо чораларини иқтисодий санкция сифатидаги хусусиятидан бутунлай воз кечиш, интизомий жазо чораларини айрим тоифадаги ходимларга нисбатан қўллашда табақалашган ҳолда ёндашиш, интизомий жавобгарликка тортишда меҳнат вазифаларини мунтазам равишда ёки бир марта қўпол равишда бузишнинг мезонларини ишлаб чиқиш, моддий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг мустақил тури сифатида эътироф этишнинг асосларини кўрсатиб бериш, меҳнат муносабатларида етказилган моддий зарар учун қўлланиладиган юридик жавобгарликнинг соҳавий табиати бўйича ягона қарашларни шакллантириш каби муаммоларни ҳал қилиш вазифаси шулар жумласидандир.

Шунингдек, интизомий ва моддий жавобгарликни қўллаш билан боғлиқ таркиб топган амалиёт уларга янгича ёндошувни талаб қилмоқда. Хусусан, вояга етмаган ходимлар, корхона раҳбарлари, ходимлар вакиллик органлари ва меҳнат жамоасига нисбатан интизомий жавобгарлик белгилаш мумкинлиги ҳақидаги янги қарашлар илгари сурилмоқдаки, уларни таҳлил қилиш ва асосли эканлиги юзасидан муайян хулосалар чиқариш зарурияти мавжуд. Шунингдек, иш берувчи моддий жавобгарлигининг айрим турлари фуқаролик ҳуқуқий жавобгарликни ташкил қилиши юзасидан қарашлар илгари сурилган бўлиб, жумладан, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарар учун иш берувчининг фуқаролик жавобгарлиги қонунчилик томонидан белгилаб қўйилди. Мазкур

ҳолат юзасидан моддий жавобгарликнинг чегараси аниқ кўрсатилиши асосида меҳнат ва фуқаролик қонунчилиги ўртасидаги зиддиятларни бартараф этиш лозим.

Тадқиқот объектини меҳнат шартномаси тарафларига нисбатан интизомий ва моддий жавобгарликни қўллашга доир меҳнат ҳуқуқий муносабатлар ташкил қилади.

Тадқиқот предметини меҳнат муносабатларида юридик жавобгарликни қўллаш билан боғлиқ вужудга келадиган илмий-назарий ва илмий-амалий муаммолар ташкил қилади.

Тадқиқотнинг мақсади. Мазкур тадқиқот ишининг мақсади меҳнат соҳасида ҳуқуқбузарликни комплекс таҳлил қилиш ва турли мулк шаклидаги корхоналарда ушбу категория билан боғлиқ ҳолда юридик жавобгарлик вужудга келишини тадқиқ этиш, мазкур муаммо бўйича амалдаги қонунчиликни, шунингдек уни қўллаш амалиётини ўрганиш ҳамда юридик фанда ушбу масала бўйича тўпланган маълумотларни ўрганиш ва ва умумлаштиришдан иборат.

Диссертация тадқиқотининг асосий мақсади юридик жавобгарликнинг умумназарий категорияси таърифига асосланиб меҳнат ҳуқуқи бўйича жавобгарликнинг соҳавий табиатини ва ижтимоий меҳнат соҳасидаги бошқа жавобгарлик турлари билан нисбатини аниқлашдан иборат. Меҳнат муносабатларидан келиб чиқадиган интизомий ва моддий жавобгарликни қўллашнинг назарий ва амалий муаммоларини таҳлил қилиш ҳамда унинг асосида меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларини такомиллаштириш юзасидан таклифлар ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот вазифалари. Мазкур мақсадларга эришиш учун қуйидаги вазифаларни ҳал этиш белгилаб олинган:

- юридик жавобгарлик тушунчасига нисбатан шаклланган қарашлар ва таърифларни танқидий ўрганиш ҳамда унинг асосида мазкур муаммо бўйича мустақил қарашларни аниқлаш ва асослантириш;

- меҳнат ҳуқуқи бўйича юридик жавобгарликни вужудга келиш асослари ва шартларини аниқлаш;

- меҳнат ҳуқуқий жавобгарликни шартномавий-ҳуқуқий тартибга солиш имкониятини ва бундай тартибга солишда қонун нормалари билан шартноманинг нисбатини аниқлаш;

- меҳнат ҳуқуқи бўйича ҳуқуқбузарликни турдош категория сифатида тадқиқ қилиш;

- меҳнат ҳуқуқи бўйича ходимнинг жавобгарлигини амал қилиши ва вужудга келтирувчи юридик фактлар турларини кўриб чиқиш;

- интизомий жавобгарликни маъмурий ва жиноий жавобгарлик билан нисбатини кўрсатиб бериш;

- меҳнат ҳуқуқидаги моддий жавобгарликни фуқаролик ҳуқуқидаги мулкӣ жавобгарликдан фарқларини аниқлаш;

- меҳнат шартномаси тарафларини юридик жавобгарликка тортишнинг механизмларини такомиллаштириш.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилар билан белгиланади:

- меҳнат муносабатларида вужудга келиши мумкин бўлган юридик жавобгарликнинг турлари аниқланганлиги;

- моддий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг мустақил тури эканлиги асослантириб берилганлиги;

- интизомий ва моддий жавобгарликка муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилганлиги;

- меҳнат муносабатларида ҳуқуқбузарлик категориясини намоён бўлиш хусусиятлари кўрсатиб берилганлиги;

- интизомий жавобгарлик қўллаш учун ҳуқуқбузарлик таркиби асос бўлиб ҳисобланиши аниқланганлиги;

- моддий жавобгарликка тортиш учун зарар асос бўлиб ҳисобланиши кўрсатиб берилганлиги;

- интизомий жавобгарликни маъмурий ва жиноий жавобгарликлардан фарқли жиҳатлари аниқланганлиги;

- моддий жавобгарликни фуқаролик-ҳуқуқӣ жавобгарликдан фарқловчи жиҳатлар кўрсатиб берилганлиги.

Тадқиқотнинг асосий масалалари ва фаразлари. Тадқиқотнинг асосий масалалари сифатида меҳнат соҳасида интизомий ва моддий жавобгарликни қўллашнинг самарали ҳуқуқӣ асослари ва механизмини ишлаб чиқиш орқали ҳуқуқ тартиботни ўрнатиш ҳисобланади. Мазкур мавзу бўйича тадқиқотни амалга ошириш натижасида меҳнат муносабатларида юридик жавобгарликни қўллаш билан боғлиқ ягона қарашлар тизими шакллантирилади.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи (тахлили). Мамлакатимизда меҳнат соҳасидаги мутахассислар томонидан иш берувчининг моддий жавобгарлиги билан боғлиқ махсус илмий тадқиқотлар амалга оширилмаган. Мазкур мавзуга оид маълумотлар асосан ўқув адабиётлари яратиш доирасида ёритилган. Хусусан, А.А.Иноятов, М.А.Усманова, Й.Турсунов, Б.Джанбакиев, Р.А.Икрамов, М.Ю.Гасанов, Е.А.Соколов, Г.К.Саримсакова, Г.Д.Саттаровалар томонидан яратилган ўқув ва ўқув

услубий адабиётларни мисол қилиб келтириш мумкин¹. Айни вақтда меҳнат шартномаси тарафларининг моддий жавобгарлиги масаласи Б.Исрайлов², Д.Атажонова³ томонидан эълон қилинган илмий мақолаларда ўз аксини топган. Меҳнатга оид моддий зарарларни ундириш билан боғлиқ низоларни судда кўришнинг процессуал хусусиятлари М.М.Мамасиддиқовлар⁴ томонидан ўрганилган.

Шу ўринда мазкур мавзу бўйича тадқиқотлар МДХ мамлакатларида махсус тадқиқот предмети сифатида ўрганилганлигини қайд этиш лозим. Хусусан, ҳамдўстлик мамлакатларида К.Н.Гусов, Ю.Н.Полетаев, М.Э.Дзарасов томонидан меҳнат ҳуқуқида жавобгарлик масаласи махсус тадқиқ этилган⁵.

Таъкидлаш лозимки, меҳнат соҳасида юридик жавобгарлик масаласи бўйича мамлакатимизда алоҳида комплекс тадқиқот иши олиб борилмаган.

Тадқиқот методлари. Тадқиқот методларини билишнинг илмий усуллари – тарихийлик, мантикийлик, умумлаштириш, синтез ва анализ қилиш, қиёсий, тизимли ёндошув, амалдаги қонун ҳужжатлари ва уларни қўллашни илмий таҳлил этиш ташкил этади.

Тадқиқот натижаларининг назарий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижасида эришилган илмий-назарий хулосалар, берилган таклиф ва мулоҳазалар келгусида ҳуқуқ ижодкорлигида, ҳуқуқни қўллаш амалиётида, миллий қонунчиликни такомиллаштиришда, меҳнат ҳуқуқи фани назариясини бойитишда, корхона, ташкилот, муассасаларда меҳнат тартибини ўрнатиш фаолиятида самарали қўлланилиши мумкин.

Ишнинг тузилиши ва таркиби. Магистрлик диссертацияси кириш, етти параграфни ўз ичига олган уч боб, хулоса ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми __ бетни ташкил этади.

¹Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. –Т: “Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси” нашриёти, 2002 й. 287-бет; Усманова М.А., Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. –Т.: Илм-зиё, 2006.; Турсунов Й. Меҳнат ҳуқуқи. –Тошкент: Молия, 2002. - 298 б.; Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. –Т.: Турон иқбол, 2013.

² Исрайлов Б. Моддий жавобгарликнинг ҳуқуқий табиати//ТДЮИ Ахборотномаси, 2011. -№ 4. -109 б.

³ Атажанова Д. Иш берувчининг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлигини мажбурий суғурталаш шартномаси бўйича ҳуқуқни қўллаш амалиётини умумлаштириш ва яхшилаш масалалари// Демократлаштириш ва инсон ҳуқуқлари, 2012. -№2. -57 б.

⁴Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган зарарни судда ундиришга оид ишларнинг хусусиятлари. –Т.: ТДЮИ, 2009.

⁵Гусов К.Н., Полетаев Ю.Н.Ответственность по российскому трудовому праву. Научно-практическое пособие. –М.: Проспект, 2008; Дзарасов М.Э.Ответственность в трудовом праве.Учебное пособие. –М.: МГИУ, 2009.

I БОБ. МЕХНАТ СОҲАСИДА ҲУҚУҚ ТАРТИБОТ ВА ЮРИДИК ЖАВОБГАРЛИКНИНГ НАМОЁН БЎЛИШ ХУСУСИЯТЛАРИ

1.1. Мехнат муносабатларида ҳуқуқ тартибот ва юридик жавобгарлик: тушунчаси ва МОҲИАТИ

Юридик жавобгарлик тушунчаси ҳуқуқ-тартибот тушунчаси билан чамбарчас боғлиқ бўлиб, ҳозирги давр миллий қонунчилигимизда кенг қўлланилади. Ҳуқуқ тартиботни таъминлаш миллий давлатчиликнинг муҳим вазифаларидан бири ҳисобланади. Ҳуқуқ тартибот юридик нормалар воситасида мустаҳкамланган ижтимоий тартиботдир. 3. Исломовнинг фикрича, ҳуқуқ тартибот ижтимоий муносабатларнинг ҳуқуқ ва қонунийликка асосланган ҳолда тартибга солинган ҳолатидир. Бу ҳуқуқ талаблари ва буйруқларининг якуний натижаси, ҳуқуқ нормаларини ижро қилиш ва уларга риоя этишнинг натижасидир¹.

Ҳуқуқшунослик фанида юридик жавобгарлик масаласида турлича қарашлар мавжуд. Кўпчилик муаллифлар юридик жавобгарликни давлатнинг ўз ҳуқуқий талабларини бажаришга қаратилган мажбурлов чораларини қўллаши деб тушунсалар, бошқа баъзи олимлар унга амалдаги юридик категориялар доирасида ёндашиб, уни қўриқловчи ҳуқуқий муносабатлар, махсус юридик мажбуриятлар ёки ҳуқуқ нормалари санкциялари кўринишида талқин этишга интиладилар².

¹ Исламов З. Общество. Государство. Право. -Ташкент: Адолат, 2001. -С.652.

² Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т: Sharq, 2009. –Б.538.

Ҳукукий адабиётларда юридик жавобгарлик – ҳукуқбузарлик субъектининг ҳукуқ нормаларида назарда тутилган ноқулай оқибатларга бардош бериш мажбурияти; ижтимоий жавобгарликнинг тури, бундай жавобгарликни белгиловчи юридик нормаларнинг қайси тармоққа тегишлилигига қараб, жиноий жавобгарлик, маъмурий жавобгарлик, фуқаровий жавобгарлик ва интизомий жавобгарлик фарқланади деб таърифланади¹.

Миллий ва хориж юридик адабиётларида юридик жавобгарлик тушунчасининг умум эътироф этилган таърифи мавжуд эмас. Баъзан у “ҳукуқбузарнинг ҳулқ-атворини юридик нуқтаи назардан ва жамоатчилик томонидан қоралашга асосланган, мазкур шахсга нисбатан шахсий ва мулкӣ йўсиндаги чеклашлар шаклида маълум оқибатларнинг белгиланишида ифодаланадиган давлат мажбурлов чораси” сифатида таърифланади. Бошқа бир фикрга кўра, юридик жавобгарлик – “давлатнинг махсус органлари ва содир этган ҳукуқбузарлиги учун тегишли ҳукуқлардан маҳрум бўлиш мажбурияти юкланган ҳукуқбузар ўртасидаги ҳукуқ нормалари билан тартибга солинган ижтимоий муносабатдир, деб эътироф этилади”².

Ҳукуқшунос олим Х.Т.Одилқориевнинг фикрича, юридик жавобгарлик – ҳукуқбузарга нисбатан ҳукуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаши бўлиб, бунда айбдор муайян ҳукуқлардан (шахсий, мулкӣ, ташкилий) маҳрум этилади. Айни пайтда юқоридаги таъриф муаллифи ҳам юридик жавобгарликни икки хил тушунишни инкор этмайди. Жумладан, олим юридик жавобгарликни – бир томондан, фуқаролар ва мансабдор шахсларнинг давлат томонидан ўрнатилган ҳукуқӣ норма талабларига тўлиқ амал қилиш масъулияти ва иккинчи томондан, давлат билан ҳукуқни бузган шахс ўртасида ҳукуқӣ муносабат бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳукуқлардан маҳрум этилиб, ўзи учун нохуш оқибатлар келиб чиқишидан жабрланишидир, деб таъкидлайди³.

Юридик жавобгарликка, шунингдек ҳукуқбузарлик содир этган шахсларга нисбатан қонунда назарда тутилган мажбурлов чораларини бунинг учун белгиланган процессуал тартибда қўллаш сифатида ҳам қаралади⁴.

Юридик жавобгарлик – ҳукуқбузарга нисбатан ҳукуқ нормаларида кўзда тутилган санкциялар асосида давлатнинг мажбурлов чораларини қўллаши бўлиб, бунда айбдор шахс муайян ҳукуқлардан (шахсий, мулкӣ, ташкилий ва ҳ.к.) маҳрум этилади¹.

¹ Юридик энциклопедия. ю.ф.д. проф. У.Тажиханов таҳрири остида. – Т: Sharq, 2001. – Б.570

² Исламов З.Общество.Государство.Право.-Ташкент: Адолат, 2001. -С.675.

³ Давлат ва ҳукуқ назарияси. Дарслик. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т: Sharq, 2009. –Б.539.

⁴ Ўзбекистон юридик энциклопедияси. Масъул муҳаррир Н.Тойчиев. –Т.: Адолат, 2010. –Б.558.

Юридик жавобгарлик ўз навбатида муайян белгиларга эга бўлиб, бу унинг жавобгарликнинг бошқа турларидан ажратиб кўрсатиш учун муҳим аҳамиятга эга.

Юридик жавобгарлик қуйидаги белгилар билан тавсифланади:

- 1) юридик жавобгарлик давлат мажбурлов чоралари билан боғлиқ;
- 2) юридик жавобгарлик ҳуқуқбузарлик билан боғлиқ;
- 3) юридик жавобгарлик ҳуқуқбузар учун салбий оқибатларни келтириб чиқаради;
- 4) ҳуқуқбузарга нисбатан қўлланиладиган чораларнинг характери ва ҳажми ҳуқуқ нормаларининг санкциясида ўрнатилган бўлади;

5) давлат томонидан қўлланиладиган мажбурлов чоралари ҳуқуқни қўллаш фаолияти давомида тегишли ваколатли органлар томонидан қонунда белгиланган тартибда ва процессуал шаклларга амал қилган ҳолда олиб борилади.

Юқоридаги хусусиятлари билан юридик жавобгарлик сиёсий, ахлоқий ва бошқа жавобгарликлардан фарқ қилади².

Масалан, А.Е.Коробов ижтимоий меҳнат соҳасида юридик жавобгарликни тадқиқ этиш жараёнида юридик жавобгарликнинг моҳияти ҳақида тўхталиб, замонавий тушунишда давлат мажбурлови, расмий юридик маънода юридик мажбуриятнинг алоҳида тури сифатида талқин қилади ва уни мавҳум нарса эмаслигини (“позитив жавобгарлик”нинг турли тушунчалари сифатида), балки тегишли ҳуқуқий муносабатлар доирасида вужудга келувчи, амал қилувчи мажбурият ва энг аввало ҳуқуқбузарлик ва санкция, жазо сифатида муайян юридик фактлар билан аниқланадиган динамика эканлигини қайд этади³.

Умум ҳуқуқ назариясида юридик жавобгарликнинг турлари ҳақида ҳам ягона қараш шаклланмаган. Хусусан, ҳуқуқшунос олим Х.Т.Одилқориев юридик жавобгарликнинг қуйидаги турлари мавжудлигини кўрсатади:

- 1.Жиноий жавобгарлик.
- 2.Маъмурий жавобгарлик.
- 3.Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик.
- 4.Интизомий жавобгарлик⁴.

Ҳуқуқшунос олим Х.Б.Бобоев томонидан юридик жавобгарликнинг шунга ўхшаш таснифи берилган. Хусусан, унга кўра ҳуқуқ бузилишининг турларига мувофиқ юридик

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Х.Б.Бобоев, Х.Т.Одилқориевнинг ум.таҳр.остида.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. –Б.350.

² Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т: Sharq, 2009. –Б.540.

³ Коробов А.Е. Юридическая ответственность в сфере общественного труда: проблемы теории. Дисс.канд. юрид.наук. СПб, 2009.-С.26.

⁴ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т: Sharq, 2009. –Б.541-543.

жавобгарлик ҳам тўрт турга бўлинади: 1)жиноий-ҳуқуқий; 2)фуқаролик-ҳуқуқий; 3)маъмурий-ҳуқуқий; 4)интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик¹.

Юридик жавобгарликни таснифлаш россиялик ҳуқуқшунослар К.Н.Гусов, Ю.Н.Полетаевлар томонидан ҳам амалга оширилган. Ҳуқуқ назарияси соҳасидаги олимлар юридик жавобгарлик турларини таснифлашда турлича асослардан келиб чиқишади. Соҳавий табиати бўйича юридик жавобгарликни турларга бўлишда қуйидагилар кенг тарқалган: жиноий, маъмурий, фуқаролик-ҳуқуқий, интизомий ва моддий².

Н.Х.Эгамбердиева фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тўғрисида кўплаб фикр-мулоҳазалар учрашини таъкидлаб, ушбу масалани тадқиқ этиш анчайин мураккаб эканлигини, чунки жавобгарлик тушунчаси нафақат ҳуқуқий, балки фалсафий, ижтимоий ва тарбиявий нуқтаи назардан ўрганилишини айтиб ўтади. Шунингдек, муаллиф жавобгарлик институти кўплаб ҳуқуқ соҳаларида ҳам мавжуд. Гарчи жавобгарлик масаласи ҳуқуқ соҳалари учун муайян умумийликка эга бўлсада, ҳар бир ҳуқуқ соҳасида турлича талқин этилади³. Маълумки, юридик жавобгарликнинг тўртта асосий тури мавжуд бўлиб, улардан иқтисодий муносабатларни тартибга солишда энг кенг татбиқ этиладигани – бу мулкӣ, яъни фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдир – деб таъкидлайди⁴.

Ҳуқуқшунос олим З.Исломов юридик жавобгарлик қайси соҳага тааллуқлиги, қандай ҳуқуқбузарлик тури содир этилганидан келиб чиқиб, қуйидагиларга бўлинишини таъкидлайди: а)жиноий-ҳуқуқий; б) маъмурий; в)фуқаролик-ҳуқуқий; ишчи ва хизматчиларнинг моддий жавобгарлиги; д)интизомий жавобгарлик⁵.

Ҳуқуқшунос олим А.А.Иноятовнинг қайд этишича, фуқароларнинг меҳнат қонунлари билан ўрнатилган моддий жавобгарлиги юридик жавобгарликнинг бир тури бўлиб, айна бир вақтда ходим битта ножўя ҳаракати учун турли жавобгарликка тортилиши мумкин⁶.

Таъкидлаш лозимки, ҳуқуқшунос олимлар томонидан юридик жавобгарликнинг турларини кўрсатишда моддий жавобгарликнинг унинг алоҳида тури эканлигини белгилаш бўйича турли фикр-мулоҳазалар мавжуд. Айниқса, цивилист олимлар томонидан моддий жавобгарликнинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг бир кўриниши эканлиги ҳақидаги қарашлар ривожланган. Бироқ моддий жавобгарлик гарчи зарарни

¹ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Ҳ.Б.Бобоев, Х.Т.Одилқориевнинг ум.таҳр.остида.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. –Б.351.

² Гусов К.Н., Полетаев Ю.Н.Ответственность по российскому трудовому праву:науч.-практическое пособие.- М.: Проспект, 2008. С.45.

³ Эгамбердиева Г.Х.Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. –Т.:ТДЮИ, 2007.-Б.7.

⁴ Эгамбердиева Г.Х.Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. –Т.:ТДЮИ, 2007.-Б.5.

⁵ Исламов З.Общество.Государство.Право.-Т.:Адолат, 2001.-С.683-684.

⁶ Иноятов А.А.Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. –Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002.-Б.266.

қоплашга қаратилган бўлсада, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан ўзига хос хусусиятлари билан фарқланади. Шунингдек, меҳнат муносабатлари билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасини аниқлашда бу турдаги жавобгарликнинг меҳнат ҳуқуқидаги моддий жавобгарликдан фарқ қилувчи жиҳатларини ажратиш олиш лозим. Ҳуқуқий адабиётларда мазкур турдаги жавобгарлик қуйидаги белгилари билан фарқланиши кўрсатиб ўтилган:

- моддий жавобгарлик фақатгина иш берувчи билан меҳнат муносабатларига киришган ходимларга нисбатан қўлланилади. Агар ходим унга муайян ишни бажаришни топширган шахс билан меҳнат муносабатларига киришмаган ва фуқаровий-ҳуқуқий шартнома (пудрат ёки хизмат кўрсатиш) бўйича ишлаётган бўлса, фуқаролик қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади;

- фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг мазмуни ва ҳажми шартнома билан (қонун билан ҳам белгиланади – таъкид муаллифники) белгиланса, меҳнат ҳуқуқида етказилган зарарни қоплаш қонунчиликда қатъий белгиланган бўлади. Масалан, Меҳнат кодексининг 201-моддасига мувофиқ, агар МКда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ходим етказган зарари учун ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади;

- ходимнинг моддий жавобгарлиги фақатгина унинг айби мавжуд бўлганда вужудга келади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик эса айбсиз ҳам вужудга келиши мумкин;

- меҳнат ҳуқуқида фақатгина етказилган ҳақиқий зарар ундирилса, фуқаролик ҳуқуқида етказилган зарар таркибига бой берилган фойда ҳам киритилади;

- бир неча ходимлар томонидан етказилган зарар ҳар бир ходимнинг айбини ҳисобга олган ҳолда тўланади (Меҳнат кодексининг 203-моддаси), фуқаролик ҳуқуқида эса бу ҳолатда ҳиссали эмас, солидар жавобгарлик вужудга келади;

- ходимнинг моддий жавобгарлиги зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, нормал хўжалик таваккалчилиги оқибатида, охири зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиққан бўлса истисно этилади, фуқаролик ҳуқуқида эса енгиб бўлмас куч (форс-мажор), охири зарурат ёки зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар тўланмаслиги белгиланган бўлиб, нормал хўжалик таваккалчилиги жавобгарликни истисно этмайди;

- меҳнат ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқида етказилган зарарни қоплаш тартиби турли хил бўлиб, ходим жавобгарликка суд тартибида ҳам ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда иш берувчи томонидан ҳам тортилиши мумкин ва бунда жавобгарликка тортиш муддати 1 йил қилиб белгиланган. Фуқаролик ҳуқуқида эса,

етказилган зарар фақат суд тартибида ундирилади ва бунинг учун 3 йиллик даъво муддати амал қилади¹.

Юқоридагилардан келиб чиқиб, меҳнат соҳасида юридик жавобгарлик икки кўринишда – интизомий ва моддий жавобгарлик шаклида бўлиб, уларни меҳнат-ҳуқуқий жавобгарлик номи остида бирлаштириш мумкин бўлади.

1.2. Меҳнат ҳуқуқий жавобгарликнинг вужудга келиш асослари ва шартлари

Меҳнат соҳасида юридик жавобгарликнинг вужудга келишида ҳуқуқбузарлик асос бўлиб ҳисобланади. Бироқ меҳнат ҳуқуқий жавобгарликнинг турлари бўлган интизомий ва моддий жавобгарликнинг вужудга келишида ҳуқуқзарликнинг ягона асос бўлиб ҳисобланишида турли бир-бирига қарама-қарши фикрлар шаклланган.

Умумий қоидага кўра етказилган зарар учун жавобгарликни белгилашда муайян асослар мавжуд бўлиши талаб қилинади. Бундай асослар юридик жавобгарликни белгилашнинг муҳим жиҳатлари ҳисобланади ва уларнинг мавжуд бўлмаслиги юридик жавобгарликни истисно этилишига олиб келади.

Юридик адабиётларда ҳуқуқбузарлик жамиятда ўрнатилган ва қонун ҳужжатлари асосида белгиланган тартиб ёки умуман ижтимоий яшаш қоидаларини бузиш сифатида талқин қилинади². Ҳуқуқшунос олим Н.Сабуровнинг таъкидлашича, ҳуқуқбузарлик ҳуқуқ ва муомала лаёқатига эга субъект томонидан содир этиладиган, ҳуқуқ нормалари талабларига зид келувчи ҳамда шахсга, мулкка, давлатга ва бутун жамиятга зарар келтирувчи ижтимоий хавф қилмишидир³.

Ҳар қандай жамиятда ҳуқуқбузарлик – бу ҳуқуқий хатти-ҳаракатга нисбатан ижтимоий ва юридик жиҳатдан зид қилмишидир. Ҳуқуқбузарлик тушунчасига ҳам кўплаб турли хил таърифлар берилган. Умумлашган ҳолда улар ҳуқуқбузарликни ўзида айбли, ҳуқуққа хилоф, жамиятга зарар етказадиган ҳуқуқ лаёқатига эга бўлган шахс томонидан содир этиладиган ва юридик жавобгарликка олиб келадиган қилмишидир⁴.

Юридик шахслар ёки алоҳида шахслар томонидан содир этиладиган ҳар қандай ҳуқуқбузарлик ўзига хос бир қатор белгиларига эга:

- 1) ҳуқуқбузарлик жамият ва шахс учун ижтимоий хавfli характерга эга;
- 2) ҳуқуқбузарлик ҳуқуққа қарши характерга эга;

¹ Дзарасов М.Э. Ответственность в трудовом праве. Учебное пособие. –М.МГИУ, 2009. –С.42-44.: Буланова Н.В.Субъекты трудовых и иных непосредственно связанных с ними отношений: гражданско-правовая ответственность. Дис. ...канд. юрид. наук. – М.: РГГУ, 2006. – С.27-29.

² Ўзбекистон юридик энциклопедияси. –Т.: Адолат, 2010. 648-бет.

³ Давлат ва ҳуқуқ назарияси. –Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунё нашриёт уйи, 2000. -348 б.

⁴ Гусов К.Н., Полетаев Ю.Н.Ответственность по российскому трудовому праву. –М.: Проспект, 2008. -14 с.

- 3) ҳуқуқбузарлик айбли қилмишдир;
- 4) ҳуқуқбузарлик фақат кишилар томонидан содир қилинади;
- 5) ҳуқуқбузарлик – шахсининг онги ва хоҳиши назорати остида бўладиган аниқ ҳаракати, яъни кишининг ҳаракат ва ҳаракатсизлигида намоён бўладиган иродавий, онгли ҳаракатидир.

Ҳуқуқбузарлик юридик факт бўлиб ҳисобланади, у ўз навбатида қўриқловчи характерга эга бўлган ҳуқуқий муносабатларни юзага келтиради. Ҳуқуқбузарликнинг таркиби тўртта элементдан ташкил топади: объект, субъект, объектив томон ва субъектив томон.

Интизомий ва моддий жавобгарлик ўз моҳиятига кўра меҳнат соҳасида юридик жавобгарликнинг мустақил турлари ҳисобланиб, ҳар иккаласи ҳам умумий белги, яъни меҳнат ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлиб ҳисобланади. Интизомий ва моддий жавобгарликнинг умумийлиги кўрсатиб турувчи яна бир белги уларнинг ҳар бирининг меҳнат шартномасига асосланганлигидир¹. Юқорида таъкидланганидек, ҳуқуқбузарликнинг интизомий ва моддий жавобгарлик учун ягона асос эканлиги ҳақидаги фикр мунозаралидир. Меҳнат ҳуқуқи соҳасида ҳуқуқбузарлик категорияси махсус тадқиқ этилмаганлиги боис, фуқаролик ҳуқуқида амалга оширилган ушбу соҳадаги тадқиқотларга муурожаат қилиш лозим бўлади.

Айрим ҳуқуқшунос олимлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келтириш асосларига нисбатан ҳуқуқбузарлик таркибини қўллаб бўлмаслигини, чунки маъмурий ва жиной-ҳуқуқий жавобгарлик асослари бўлган ҳуқуқбузарлик таркиби фуқаролик ҳуқуқининг асосий тамойиллари ва методларига мос келмаслигини, ҳуқуқнинг ушбу соҳаси диспозитив йўналтирилганликка ва субъектларнинг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб жавобгарлик белгиланмаслиги мумкинлигига асосланишини айтиб ўтишади. Уларнинг таъкидлашича, ҳуқуқбузарлик таркибини фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келиш асослари сифатида баҳолаш баҳслидир. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликда ҳуқуқбузарлик ҳаракати жавобгарликни вужудга келтирувчи энг муҳим ва биринчи унсур эмас, балки зарарнинг мавжудлиги ҳисобланади².

Мазкур фикрларнинг ҳар бири ўзига хос ҳуқуқий асосга эгаллигини ва уларнинг ҳар бири фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни вужудга келиш асосларини юридик жавобгарликнинг умумий қоидаларидан келиб чиқиб ўзига хос изчилликда ва мантиқий боғлиқликда талқин этганлигини таъкидлаган ҳолда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликка

¹ Гусов К.Н., Полетаев Ю.Н. Ответственность по российскому трудовому праву.-М.:Проспект, 2008.-С.48.

²Эгамбердиева Н.Х. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари.Монография. –Тошкент: Наврўз, 2014. 75-б.

нисбатан ҳуқуқбузарлик таркибини қўллаш мумкин эмаслиги ҳақидаги фикрлар ҳали етарли даражада асослантирилмаганлигини қайд этиб ўтиш лозим. Ушбу ҳолат хусусида фикр юритиб О.Оқюлов, фуқаролик ҳуқуқи бўйича адабиётларда илғор фикрли цивилист олимлар юқоридаги ҳуқуқбузарлик конструкциясини фуқаролик ҳуқуқида қўллаш, кўчириш мумкин эмаслиги ҳақида доимо таъкидлайдилар, - деган хулосага келади¹.

Албатта, ҳозирги кунда ҳуқуқбузарлик таркибини фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари сифатида қўллаш мумкин эмаслиги хусусидаги фикрлар анча ўринлидир. Биринчи навбатда ҳуқуқбузарлик таркиби – жиноят таркиби ва маъмурий жавобгарлик таркиби сифатида объект, субъект, субъектив томон ва ҳуқуқбузарлик билан унинг оқибатлари ўртасидаги сабабий боғланиш фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асоси сифатида бошқача кўриниш ҳосил қилади. Бу ҳолат айниқса деликт мажбуриятлари учун жавобгарликда кўзга ташланади. Агар жиноят ва маъмурий жавобгарлик учун муайян ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракатнинг оқибати аҳамиятли ҳисобланмаса, зарар етказишдан келиб чиқадиган фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик қўлланилиши учун биринчи навбатда ўзига хос оқибат – зарарнинг мавжудлиги талаб қилинади.

Э.Ҳожиёвнинг фикрича, маъмурий ҳуқуқбузарликнинг кўшгина қисмини “формал жавобгарлик” деб аташ мумкин, чунки маъмурий жавобгарлик салбий оқибатлар мавжуд ёки мавжуд эмаслигидан қатъи назар қўлланилади. Дарҳақиқат, маъмурий жавобгарлик фактининг юзага келиши учун маъмурий ҳуқуқ нормалари билан кўриқланадиган қоидаларнинг бузилиши етарлидир, деб таъкидлайди².

Э.Ҳожиёв фикрлари ўринли эканлигини эътироф этган ҳолда, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик гарчи шахс амалга оширган хатти-ҳаракат фуқаролик ҳуқуқи нормаларини бузилишига олиб келса ҳам зарар мавжуд бўлмаса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик хусусида ҳеч қандай гап бўлиши мумкин эмас деган хулосага келиш мумкин. Айнан шу жиҳати билан ҳам деликт жавобгарлик юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан фарқ қилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1990 йил 14 декабрдаги 5-ПЛ-90-сонли “Ишчи ва хизматчиларнинг корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарар юзасидан моддий жавобгарлигини белгиловчи қонунларнинг республика судлари томонидан қўлланилиши ҳақида”ги Қарорининг 15-бандига мувофиқ, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат деганда ходим томонидан қонунда, ҳукумат қарорларида, ички меҳнат тартиботи қоидаларида, қўлланмаларда, шунингдек, маъмуриятнинг буйруқ ва

¹ Оқюлов О. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни қўллаш асослари // Қонун ҳимоясида. – Тошкент, 1999. – № 9. – Б.19.

² Ҳожиёв Э. Маъмурий ҳуқуқда жавобгарлик // Қонун ҳимоясида. – Тошкент, 1999. – № 9. – Б.16.

фармойишлари, меҳнат жамоаси кенгашининг қарорларида белгиланган хизмат мажбуриятларини бажармаслик ёки етарли даражада бажармаслик тушунилади. Судлар ҳар бир иш бўйича ходим томонидан қайси ҳуқуқий норма бузилганлиги ва бу ҳуқуқбузарлик айнан нимадан иборат (хизмат бурчини бажармаганлик ёки тегишли равишда бажармаганлик) эканлигини аниқлашлари зарур¹.

Айни пайтда меҳнат муносабатлари соҳасида юридик жавобгарликка тортиш чоғида интизомий ва моддий жавобгарликни қўллаш асослари ва шартлари мавжудлигининг аниқланиши ҳамда фақат шу асос ва шартлар мавжуд бўлганидагина жавобгарлик юз бериши тамойилига оғишмасдан амал қилиниши нафақат жабрланган шахс ҳуқуқларини, балки иш берувчининг қонуний манфаатларини ҳам самарали муҳофаза қилинишига, ижтимоий адолат тамойиллари бузилмаслигига олиб келади.

Шундай қилиб, меҳнат ҳуқуқида моддий жавобгарликнинг асоси ҳисобланган фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркибини зарар, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат, сабабий боғланиш ва зарар етказувчининг айби ташкил қилади.

Бироқ бу ҳолат айбнинг барча шаклларида ҳам аҳамиятли эмаслигини эътироф этмоқ лозим. Зеро, эҳтиётсизлик, бепарволик, ўз-ўзига ишонч каби айб шаклларида кишининг ўз ҳаракатига нисбатан руҳий муносабати намоён бўлмайди.

И.Б.Зокировнинг фикрича, айб деганда шахснинг мажбуриятини бажаришга талаб қилинган тарзда муносабатда бўлмаганлиги, қонун ва ахлоқ талабларига мувофиқ риоя қилмаганлиги тушунилади².

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, ҳар қандай ҳолатда ҳам айб жавобгарликнинг субъектив шакли сифатида тавсифланади. Айб ҳуқуқбузарнинг қонун ёки шартнома орқали ўз зиммасига қўйилган мажбуриятларга бўлган муносабатини ифода этади³.

Меҳнат қилиш ҳуқуқи ва ижтимоий таъминот олиш ҳуқуқлари фуқароларнинг муҳим ижтимоий ва иқтисодий ҳуқуқлари жумласига кириши сабабли бу соҳадаги ҳуқуқлар ўз вақтида муҳофаза этилиши ходимлар ҳуқуқий статусини мустаҳкамланишида катта ўрин тутди.

Меҳнат қилиш билан боғлиқ бўлган ижтимоий муносабатлар давомида бу муносабат иштирокчилари томонидан ҳуқуққа хилоф бўлган хатти-ҳаракатларга йўл қўйилиши туфайли муайян ҳолларда меҳнат шартномасининг муҳим шартлари билан бевосита боғлиқ бўлмаган тарздаги зарар етказилиши билан боғлиқ бўлган

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 1993. – № 2.

² Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. I қисм. – Тошкент: ТДЮИ, 2006. – Б. 334.

³ Раҳмонқулов Ҳ. Мажбурият ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 186.

мажбуриятларни юзага келтиради ва бундай муносабатларда кўпинча ходим жабрланган шахс сифатида, иш берувчи эса зарар етказган шахс сифатида намоён бўлади.

Таъкидлаб ўтилганидек, меҳнат ҳуқуқий муносабатлар бўйича мажбуриятларнинг тарафлар томонидан бузилиши юридик жавобгарликни келтириб чиқаради. Бунда жавобгарликнинг аниқ тури ҳуқуқбузарликни содир этган субъект, мулкый ҳуқуқбузарликнинг характери, қилмишнинг зарарлилиги ва ижтимоий хавфлилиқ даражасига боғлиқ бўлади¹.

Масалан, В.Т.Смирнов, А.А.Собчак, А.А.Тебряевлар моддий жавобгарликнинг асослари фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркиби билан бир хиллигини таъкидлашади. Уларнинг эътироф этишларича, зарар етказганлик учун жавобгарлик асослари бўлиб, зарарнинг мавжудлиги, зарар етказувчи ҳаракатларининг ҳуқуққа хилофлиги, ҳуқуққа хилоф ҳаракат ва етказилган зарар ўртасидаги сабабий боғланиш, ҳуқуқбузарнинг айби ҳисобланади.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, баъзи мутахассислар моддий жавобгарликнинг асоси сифатида ҳуқуқбузарликни эътироф этишади². Бироқ бунда муайян хатти-ҳаракатни ҳуқуқбузарлик сифатида квалификация қилиш учун қонун ҳужжатларида белгиланган жавобгарлик шартлари мавжуд бўлиши лозим. Жавобгарлик асоси эса уни татбиқ этиш имкони мавжудлигини англатади, лекин бунда ҳам қонун ҳужжатларида белгиланган шартлар бўлиши керак. Шу муносабат билан моддий жавобгарлик асоси бу ҳуқуқбузарлик эмас, зарарнинг мавжудлиги ҳисобланади. Муайян фактнинг ҳуқуқбузарлик эканлигини белгиловчи шартлар жавобгарлик татбиқ этилаётганда аниқланиши лозим³.

Иш берувчининг моддий жавобгарлиги вужудга келиши учун муайян шартлар мавжуд бўлиши керак ва шундан сўнггина етказилган зарар учун иш берувчининг жавобгарлиги хусусида фикр юритиш мумкин.

Меҳнат ҳуқуқий муносабатларда иш берувчининг моддий жавобгарликка тортилиши учун муайян юридик таркиб бўлиши талаб этилади. Юридик фактлар мажмуидан иборат бўлган юридик таркиб муайян элементларни ўз ичига қамраб олади, улар ўзаро қўшилгани ҳолда моддий жавобгарлик юзага келиш шартларини ташкил қилади ҳамда ушбу таркиб зарурий элементлардан бирортасининг мавжуд бўлмаслиги одатда меҳнат ҳуқуқий моддий жавобгарликни истисно этади.

¹ Гусов К.Н., Полетаев Ю.Н. Ответственность по российскому трудовому праву: науч.-практическое пособие. – М.: ТК Велби, Проспект, 2008. – 126 с.

² Раҳмонкулов Х. Мажбурият ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – 176 б.; Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. Юрид. фан. номз. дис. ...автореф. – Тошкент: 2006. – Б. 13.

³ Эгамбердиева Н. Фуқаролик ҳуқуқий жавобгарлик шартлари // Қонун ҳимоясида. – Тошкент, 2000. – №5-6. – Б.17.

Бундай элементлардан бўлиб: айб; ҳуқуққа зид хатти-ҳаракат; реал яъни одатдаги эквивалентларда ўлчаб аниқлаш мумкин бўлган моддий зарар; зарар етказувчи хатти-ҳаракати билан юз берган зарарли мулккий оқибат ўртасидаги сабабий боғланиши саналади.

Қуйида ушбу элементлар ва уларнинг мазмун-моҳияти, жавобгарлик юз беришидаги аҳамиятини таҳлил этишга ҳаракат қиламиз.

Айб – ғайриҳуқуқий хатти-ҳаракат содир этган шахснинг ўз қилмишига руҳий муносабатидан иборат. Айбли хатти-ҳаракат содир этилганликда фақат фуқаролик ҳуқуқ ҳамда муомала лаёқатига эга шахсина айбланиши мумкин. Корхона ва ташкилотларнинг ҳуқуқ ҳамда муомала лаёқатлари фуқаролик ва тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари, уларнинг ўз устав (низом)лари ва бошқа қонун ҳужжатларига биноан белгиланади.

Умумий қоидага кўра моддий жавобгарлик зарар етказувчининг айби мавжуд бўлганда вужудга келади. Фақат қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳоллардагина айбсиз жавобгарлик вужудга келиши мумкин.

Меҳнат ҳуқуқида фуқаролик ҳуқуқидаги каби моддий жавобгарлик учун айбдорлик презумпцияси амал қилади. Бу презумпция жиноят процессидаги айбсизлик презумпциясининг акси бўлиб, бунда зарар етказувчи – ҳуқуқбузар ўзининг айбсиз эканлигини исботламагунича айбдор деб топилади ва исботлаш бурчи ҳар доим унинг ўзига юклатилади. Жабрланувчи эса ўзининг ҳақ эканлигини исботлаши талаб этилмайди.

Иш берувчининг айби деганда, юридик шахснинг бошқарув органи (якка ёки коллегиял) хатти-ҳаракати, тегишли ҳолларда (ваколат берилган бўлса) унинг ваколатли вакили хатти-ҳаракати назарда тутилади. Унинг бундай айбли хатти-ҳаракати ўзининг чиқарилган буйруқ, фармойиш ва қарорларида ифодаланиши мумкин¹.

Узоқ мунозаралар натижасида айб барча ҳуқуқ соҳаларига тааллуқли бўлган универсал тушунча эканлигини, жиноят ва маъмурий ҳуқуқий ҳаракат содир этиш чоғидаги айб ўз моҳиятига кўра меҳнат ҳуқуқий муносабат ёхуд бошқа ҳуқуқ соҳасига оид ҳуқуқий муносабат чоғидаги айбдан фарқ қилмаслиги кераклилиги тўғрисида яқдил қарашлар шаклланди².

Ҳ.Р.Раҳмонқуловнинг таъкидлашича, ҳар қандай ҳолатда ҳам айб жавобгарликнинг субъектив шакли сифатида тавсифланади. Айб ҳуқуқбузарнинг қонун ёки шартнома орқали ўз зиммасига қўйилган мажбуриятларга бўлган муносабатини ифода этади³.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. – Тошкент.: ТДЮИ, 2008. 621-б.; Турсунов Й. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. – Тошкент: Адолат, 2015. 611-б.

² Басин Ю.Г. Вина как условие ответственности за нарушение обязательства / Диденко А.Г., Басин Ю.Г., Иоффе О.С. / Гражданское право: Учебное пособие. - Алматы: ИПЦ КазГЮУ, 1999. - С. 125-134.

³ Раҳмонқулов Х. Мажбурият ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 186.

Одатда айб кишининг муайян вазиятдаги у ёки бу ҳаракатни танлаш имкониятининг натижаси сифатида кўрилади. Бунда В.Н.Кудрявцевнинг таъбири билан айтганда шахсда “имкониятлар тўплами” мавжуд бўлади ва шахс бир неча имкониятлардан ҳуқуққа хилофини танлаши унинг хоҳишидан келиб чиқади. Фикримизча, бу ҳолатни айбнинг қасддан бошқа шакллариغا нисбатан қўллаш мумкин эмас. Эҳтиётсизлик, бепарволик, ўз-ўзига ишониш каби айб шаклларида киши муайян вазиятга нисбатан ўзига хос диққат эътиборда бўлмайди ва шахс ҳамда воқелик ўртасида ўзига хос муносабат вужудга келиши ҳам баҳслидир. Чунки бунда шахс воқеликни тўлиқ англай олмаслиги билан бирга унинг қандай оқибатларга олиб келишини, ўзининг хатти-ҳаракати натижаси кўнгилсизликларни келтириб чиқариши мумкинлиги хусусида ўша вазиятда тасаввур ҳам ҳосил қила олмайди. Шу муносабат билан В.Н.Кудрявцевнинг айб “имкониятлар тўплами” билан боғлиқлиги тўғрисидаги фикрларига қўшилиб бўлмайди. Чунки эҳтиётсизлик шаклидаги айбда шахснинг вазиятга нисбатан муносабати баъзи мутахассислар эътироф этганидек бепарволик, ғамхўрликнинг етарли даражада эмаслиги кўринишида бўлмайди. Аксинча эҳтиётсизлик вақтида воқелик шахснинг онгида етарли даражада инъикос топмайди.

Айб тушунчасидаги яқдиллик тадқиқотчилар ўртасида зарар етказган шахснинг зарар етказилиши чоғидаги субъектив ҳолати ва унинг жавобгарликка таъсири масаласида турлича қарашлар юзага келишига сабаб бўлди.

Бунда тадқиқотчиларнинг бир гуруҳи фуқаролик ҳуқуқий нуқтаи назардан қараганда айбнинг мавжуд бўлиши жавобгарликка тортишнинг мукамал шарти ва бошқа омилларнинг аҳамияти йўқ деб ҳисоблайдилар ҳамда зарар етказувчининг зарар етказилиш пайтидаги субъектив ҳолати ҳисобга олинмаслиги лозим деган фикрни илгари сурадилар.

Бошқа бир гуруҳ цивилистлар эса зарар етказиш чоғида айб мавжуд бўлишига эътибор берилиши билан бирга зарар етказувчининг субъектив ҳолатини ҳам назарда тутилиши лозим, деб ҳисоблайдилар¹. Биз иккинчи гуруҳ вакиллари қарашлари билан ҳамфикрлигимизни билдирамыз. Чунки, қонунчиликда ҳам зарар учун жавобгарлик юклатилаётганида бошқа ҳолатлар ҳисобга олиниши лозимлиги умумий қоида тариқасида эътиборга олинган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 210-моддасига кўра: “Суд айбнинг даражаси ва шаклини, аниқ ҳолатларни ва ходимнинг моддий аҳволини ҳисобга олиб ундириладиган зарар миқдорини камайтириши мумкин. Суд ундириладиган зарар миқдорини камайтириш ҳақидаги келишув битимини тасдиқлашга ҳақлидир. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси 191-моддаси талабига

¹ Малейн М.Н. Личные неимущественные права граждан (понятие, осуществление, защита): Автореф. дис. ... докт. юрид. наук. -М., 1997. с -40

биноан агар жабрланувчининг кўпол эҳтиётсизлиги зарарни келиб чиқиши ёки кўпайишига сабаб бўлса, тўланиши лозим бўлган зарар миқдори жабрланувчининг айби даражасига муносиб равишда камайтиради.

Меҳнат қонун ҳужжатларида иш берувчининг моддий жавобгарлиги юзасидан айбсиз ҳолда ҳам жавобгар бўлиши мумкинлиги назарда тутилган. Масалан, иш берувчи юқори хавф манбаи натижасида ходимнинг соғлиғига етказилган зарар учун моддий жавобгар қилинади (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 189-моддаси).

Ушбу ҳолат Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми 18-сонли қарорининг 16-бандида ҳам кўрсатиб ўтилган, унга кўра: фаолияти ошиқча хавф манбаи билан боғлиқ бўлган иш берувчи зарар етишига енгиб бўлмас кучлар ёки жабрланувчининг қасддан содир этган хатти-ҳаракати сабаб бўлганини исботлаб бера олмаса зарарни қоплашга мажбурдир, деб кўрсатилган”¹.

Таъкидлаш лозимки, меҳнат ҳуқуқида айбнинг қасд ва эҳтиётсизлик шаклида бўлиши катта аҳамиятга эга эмас. Меҳнат ҳуқуқида энг муҳими етказилган зарар айбнинг қайси шаклида бўлишидан қатъи назар қопланиши лозимлигидир. Шунингдек, иш берувчи томонидан ходимга етказилган зарар учун жавобгарлигини белгилашда ҳам ходим айбининг қасд ва эҳтиётсизлик шаклидалиги аҳамиятга эга бўлмайди. Аммо зарар ҳажмини, моддий жавобгарлик турини белгилашда айбнинг шакли муҳим аҳамиятга эга. Чунки қасддан зарар етказиш тўлиқ моддий жавобгарликни келтириб чиқарса, эҳтиётсизликдан зарар етказиш ходим учун қонунда махсус кўрсатиб қўйилган ҳолдан ташқари чекланган (қисман) моддий жавобгарлик юз беришига сабаб бўлади.

Меҳнат муносабатларидан келиб чиқувчи моддий жавобгарлик бир тараф иккинчи тарафга *зарар* етказгани ҳолда юз беради. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 14-моддаси “Зарарни қоплаш” деб номланган бўлиб, унинг мазмунида асосий ўринни зарар тушунчаси эгаллайди. Мазкур модданинг 2-бандида зарар тушунчасига таъриф берилган. Унга кўра, зарар деганда, ҳуқуқи бузилган шахснинг бузилган ҳуқуқини тиклаш учун қилган ёки қилиши лозим бўлган харажатлари, унинг мол-мулки йўқолиши ёки шикастланиши (ҳақиқий зарар), шунингдек бу шахс ўз ҳуқуқлари бузилмаганида одатдаги фуқаролик муомаласи шароитида олиши мумкин бўлган, лекин ололмай қолган даромадлари (бой берилган фойда) тушунилади. Зарар тушунчасининг мазкур таърифи меҳнат муносабатлари тарафлари моддий жавобгарлигига оид муносабатларга ҳам татбиқ қилинади².

¹ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-2006. 2-жилд // Н.З.Ташматов ум. таҳр. остида. – Тошкент: Адолат, 2007.

² Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. –Т.: Адолат нашриёти, 2015.

Шу билан бирга, меҳнат ҳуқуқида қўлланиладиган зарар тушунчаси мазмуни ўзига хос хусусиятларга ҳам эгадир. Жумладан, ходимнинг иш берувчи олдидаги моддий жавобгарлик даражасини аниқлаш вақтида олинмай қолган фойда (даромад) зарар таркибига киритилмайди. Иш берувчи эса ўз ходимига зарар етказганида бевосита зарардан ташқари олинмай қолган даромад (масалан, ишлаб топилмай қолган иш ҳақи) ни ҳам, шунингдек қонун ҳужжатларида назарда тутилган бошқа товон пулларини ҳам тўлаб бериши керак¹.

Меҳнат кодексининг 187-моддасида меҳнат ҳуқуқий муносабатларда қўлланиладиган иш берувчи томонидан етказиладиган зарар тушунчаси таърифланган бўлиб, унга кўра, ўз меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ёки меҳнат қилиш имкониятидан ғайриқонуний равишда маҳрум этилганлиги натижасида ходимга, боқувчиси иш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса – унинг оила аъзоларига етказилган ҳар қандай зарарни (шу жумладан, маънавий зарарни) иш берувчи тўлиқ ҳажмда тўлайди.

Маънавий зарар (жисмоний ёки руҳий азоблар) пул шаклида ёки бошқа моддий шаклда ҳамда иш берувчи ва ходим ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда, ходим меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда вафот этган тақдирда эса, - иш берувчи ва вафот этган ходимнинг оила аъзолари ўртасидаги келишувга мувофиқ равишда белгиланган миқдорда қопланади. Маънавий зарарни қоплаш юзасидан низо келиб чиққан тақдирда, бу масала судда кўриб чиқилади².

Зарар тушунчаси ҳуқуқий адабиётларда деярли бир хил талқин этилади ва у ёки бу шахсий ёки моддий неъматларнинг ҳар қандай бузилиши сифатида тушунилади³. Биринчи навбатда зарар фуқаролик субъектив ҳуқуқларининг бузилиши ёки уларга нисбатан қилинган ғайриқонуний хатти-ҳаракатнинг салбий натижаси ҳисобланади. Бунинг оқибатида эса фуқаронинг шахси ёки мол-мулкига, шунингдек юридик шахснинг мол-мулкига зарар етказилади.

Зарар деганда, қарздор томонидан мажбуриятнинг бутунлай ижро этилмаслиги ёки лозим даражада ижро этилмаслиги оқибатида кредитор томонидан қилинган харажатлар, мулкнинг йўқотилиши ёки камайиши тушунилади⁴.

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. – Тошкент.: Адолат, 2015. 620-б.

² Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Т.: Адолат нашриёти, 2013.

³ Покровский И.А. Основные проблемы гражданского права.–М.: Статут, 1998.–Б.281.; Малиновский А.А. Вред как юридическая категория//Юрист.– Москва, 2006.–№2.–С.4.

⁴Зокиров И.Б. Фуқаролик ҳуқуқи. Дарслик. I-қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2006. –328 б.

Таъкидлаш лозимки, фуқаролик ҳуқуқида зарар тушунчасига таъриф берилган. Меҳнат ҳуқуқида зарар категорияси муҳим бўлсада, мазкур тушунчага махсус таъриф берилмаган.

Шу ўринда, россиялик айрим тадқиқотчилар томонидан меҳнат ҳуқуқида зарар категориясига таъриф беришга ҳаракат қилинган. Хусусан, Е.М.Серебренникова меҳнат ҳуқуқида зарар деганда меҳнат шартномаси тарафлари ҳисобланган ходим ёки иш берувчига меҳнат муносабатлари билан боғлиқ ҳолда етказилган мулкӣ йўқотишларини тушунишни таклиф қилган. Е.М.Серебренникованинг фикрларини рад этмаган ҳолда ходимга етказилган зарарни қоплашда фуқаролик ҳуқуқида тўла шаклланган зарар тушунчасидан фойдаланиш лозим, деб ҳисоблаймиз. Чунки, фуқаролик ҳуқуқида ифодаланган зарар тушунчасининг умумий белгилари меҳнат муносабатларида етказилган зарарнинг барча томонларини қамраб олади ва ҳеч қандай қарама-қаршиликларни ифодаламайди.

Деликт жавобгарлигининг асоси сифатида зарар деганда, фуқаролик ҳуқуқи субъектига тегишли мол-мулк шикастланиши ёки нобуд бўлиши натижасида, шунингдек, фуқаронинг соғлиғига шикаст етиши ва вафоти натижасида вужудга келадиган салбий мулкӣ ва номулкӣ оқибатлар тушунилади¹.

Меҳнат ҳуқуқи назариясида зарар етказиш предмети доираси ишлаб чиқилган бўлиб, улар куйидагилардан иборат:

а) ходимни ғайриқонуний ишдан бўшатиш, ишдан четлатиш, бошқа ишга ўтказиш оқибатида меҳнат қилиш ва иш ҳақи олиш имкониятининг чекланиши;

б) ишлаб чиқариш билан боғлиқ равишда ходимнинг соғлиғига зарар етиши туфайли меҳнат қилиш имкониятининг чекланиши, шунингдек даволаш билан боғлиқ қўшимча моддий харажатлар қилиниши;

в) ходимнинг ишлаб чиқариш сабаблари билан вафот этиши натижасида унинг қарамоғида бўлиб келган шахсларнинг боқувчисиз қолганликлари туфайли кўрган зарарлари;

г) ходимнинг мол-мулки ва ўзга мулкӣ манфаатларига етказилган зарар;

д) ходимга етказилган маънавий зарар учун товон;

е) соғлиққа зарар етгани ёки ходим вафот этган ҳолларда унга ёки оила аъзоларига бериладиган бир йўли тўлов пули².

¹Фуқаролик ҳуқуқи. II-қисм. Дарслик. Ҳ.Раҳмонқулов ва И.Зокировларнинг умум.таҳр.остида. –Тошкент: «ИЛМ-ЗИЁ», 2008. 593-бет.

²Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2008. 624 бет.

Зарар етиши мумкин бўлган манфаатдан келиб чиқиб ҳуқуқ назариясида мулкӣ ва номулкӣ зарар фарқланади. Мулкӣ зарар – ўзида ҳуқуқбузарликнинг иқтисодий оқибатларини (мулкнинг камайиши ёки нобуд бўлиши) ифодалайди ва жабрланувчининг ҳуқуқбузарликдан олдинги ва кейинги моддий аҳволи ўртасидаги фарқ сифатида кўрилади. Номулкӣ зарар уни тўлиқ қоплаш мумкин эмаслиги билан характерланади ва ўзига маънавий ва жисмоний зарарни бириктиради. Номулкӣ зарарда жабрланувчи ўзида кўрқув билан боғлиқ ноқулай ҳис- ҳаяжон, таҳқирланиш, ёрдамсизлик ёки шунга ўхшаш ҳолатлар ифодаланади. Жисмоний зарар организмнинг анатомик бир бутунлигини бузишда ёхуд шахсга жисмоний оғриқ етказиш билан боғлиқ физиологик жараённинг бузилишида ифодаланади¹.

Зарар етказиш шароитидан келиб чиқиб зарарни ҳуқуққа хилоф ҳаракатлар натижасида етказилган (қонун тўғридан тўғри қандайдир манфаатга зарар етказишни тақиқлайди), қонуний ҳаракатлар орқали етказилган зарар (агар зарар жавобгарликни истисно қиладиган ҳолатларда етказилган бўлса) ва зарар етказувчининг ўз ҳуқуқларини суиистеъмол қилиш натижасида етказилган зарарларга бўлинади.

Моддий жавобгарлик юклаш шартларидан бири – айбли хатти-ҳаракат, моддий зарар етказишнинг ҳуқуққа хилофлигидир. Бунда меҳнат шартномасининг бир тарафи унинг иккинчи тарафига қонун ҳужжатлари, локал меъёрий ҳужжатлар, меҳнат шартномаси, моддий жавобгарлик тўғрисидаги шартнома ва ўзга келишув талаблари ҳамда нормаларини қасдан ёки эҳтиётсизликдан бузиш оқибатида зарар етказилади. Бунда моддий жавобгарликка тортилаётган шахс қонун ҳужжатининг қайси нормаси, қайси локал меъёрий ҳужжатни бузганлиги аниқ-равшан кўрсатиб қўйилиши керак².

Қонун талаблари бузилмагани ҳолда, яъни қонуний хатти-ҳаракатлар билан зарар юз берганида моддий жавобгарлик келиб чиқмайди.

Н.Эгамбердиеванинг фикрича, ҳуқуққа хилоф хулқ-атвор тақиқланган ҳолатни амалга ошириш ёхуд белгиланган ҳолатни бажармаслик оқибатида намоён бўлади. Бундан ҳуқуққа хилоф хулқ-атворнинг икки шакли: ҳуқуққа хилоф ҳаракат ва ҳаракатсизликни ажратиб кўрсатиш мумкин³.

В.Т.Смирнов ва А.А.Собчакларнинг таъкидлашларича, қонун талабларига жавоб бермайдиган ва ҳуқуқ нормасини бузадиган ҳар қандай хатти-ҳаракатни ғайриқонуний деб ҳисоблаш мумкин. Ушбу ҳаракат натижасида зарар етказилганда эса мазкур зарар

¹Серебренникова Е.М. Категория вреда в трудовом праве России. Дис. ... канд. юрид. наук: -Екатеринбург, 2007.С.24.

²Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. – Тошкент.: ТДЮИ, 2008. 622 б.

³Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асослари ва шакллари. Юрид. фан. номз. дис. ...автореф. – Тошкент: 2006. – Б. 13.

учун жавобгарлик шартларидан бири мавжуд бўлишга олиб келади. Ғайриқонуний деган сўзнинг маъноси ҳуқуқ нормаларини бузувчи хатти-ҳаракатни англатади¹.

Иш берувчининг моддий жавобгарлигида зарар етказувчи ҳаракатининг ҳуқуққа хилофлиги презумпцияси амал қилади. Бу презумпцияга мувофиқ шахсларнинг мол-мулкига ёки фуқаронинг соғлиғига етказилган ҳар қандай зарар қонун ҳужжатларида бошқача ҳолат белгиланмаган бўлса, ҳуқуққа хилоф деб баҳоланиши лозим. Шу билан бирга жабрланувчига зарар етказувчи ҳаракатининг ҳуқуққа хилофлигини исботлаш мажбурияти юклатилмайди, балки зарар етказувчи ҳаракатининг ҳуқуққа хилофлиги тахмин қилинади. Зарар етказувчи ўз ҳаракатларини ҳуқуқ хилоф эмаслигини исботламагунича, унинг ҳаракати ҳуқуққа хилоф деб ҳисобланади².

Судлар ҳар бир иш бўйича иш берувчи томонидан қайси ҳуқуқий норма бузилганлиги ва бу ҳуқуқбузарлик айнан нимадан иборат (хизмат бурчини бажармаганлик ёки тегишли равишда бажармаганлик) эканлигини аниқлашлари зарур³.

Хатти-ҳаракатнинг ҳуқуққа хилоф бўлиши лозимлиги ҳақидаги талабни зарурий шарт эканлиги юзасидан айрим муаллифлар томонидан шубҳа билдириш ҳоллари мавжуд ва бунда ҳуқуққа хилофлик фақат маъмурий ва жиноий ҳуқуқий жавобгарлик масалаларига тааллуқлидир, деб ҳисоблайдилар⁴. Бундай фикрга қўшилиш қийин. Чунки, ҳар қандай жавобгарликнинг асосида қонун ва унинг нормаларини бузилиши ётади. Бунда айбнинг мавжуд бўлиши лозимлиги ҳақидаги талаб билан қонун бузилганлик ҳолатини мавжуд бўлиши ҳақидаги талаб ўзаро чамбарчас боғлиқ экани, зарар етказувчи зарар етказилишидагина эмас, балки, айти пайтда белгилаб қўйилган тақиқлар ва тегиши мажбурий нормаларни бузишда ҳам айбланиши назарда тутилмоғи лозим. Бу ерда ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат деганда нафақат қонунни, балки ҳар қандай қонун ҳужжатини, шартномани, бошқа локал меъёрий ҳужжатларни бузганлик ҳам кўзда тутилиши мумкин.

Сабабий боғланиш – иш берувчининг ходимга нисбатан ғайриқонуний хатти-ҳаракатлари натижасида зарар етказилганлиги, албатта ҳаракат ва унинг оқибатларидаги узвийлик асосида аниқланади.

Юз берган зарар айбли ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат ўртасидаги сабабий боғланиш “сабаб-оқибат” фалсафий тамойили амалга оширилишдан иборат. Бунда моддий жавобгарлик юклаш учун зарарли оқибат айнан тахмин қилинаётган шахс хатти-ҳаракатлари билан боғлиқлиги ва унинг натижаси эканлиги аниқланиши ҳамда

¹ Раҳмонкулов Х. Мажбурият ҳуқуқи. – Тошкент: ТДЮИ, 2005. – Б. 177.

² Гражданское право: В 2 т. Том II. Полутом 2: / отв. ред. Е.А.Суханов. – М.:БЕК, 2002. – С.371 с.

³ Ўзбекистон Республикаси Олий суди Ахборотномаси. / 1993, – № 2. – Б.3-14.

⁴ Шарыло Н.П., Прокудина Л.А. Гражданско-правовая ответственность за причинение вреда // Правовые и социальные проблемы жертв преступлений. Сб. научных трудов и нормативных материалов. - М., 1998. - С. 7-41.

исботланиши лозим. Ҳаракат билан оқибат ўртасида сабабий боғланишнинг мавжуд эмаслиги моддий жавобгарликни истисно қилади¹.

I боб бўйича хулоса

Мазкур бобда қуйидаги асосий иккита хулосага келинди. Булар, биринчиси, умум ҳуқуқ назариясига тааллуқли бўлиб, моддий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг мустақил тури эканлигини тан олиш ва белгилашдан иборат. Иккинчиси, интизомий жавобгарликнинг вужудга келиш асосида ҳуқуқбузарлик, моддий жавобгарликнинг асосида эса зарар ётади. Зарар мавжуд бўлмас экан, моддий жавобгарлик бўлиши ҳам мумкин эмас. Бундан ташқари фуқаролик ҳуқуқида зарар тушунчаси умумҳуқуқий категория сифатида меҳнат ҳуқуқида ҳам тўлиқ фойдаланиши мумкин. Меҳнат ҳуқуқида алоҳида зарар тушунчасини ишлаб чиқишга ортиқча ҳожат йўқ.

II БОБ. МЕҲНАТ ТАРТИБИНИ БУЗГАНЛИК УЧУН ИНТИЗОМИЙ ЖАВОБГАРЛИК: МИЛЛИЙ ҲУҚУҚИЙ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА

2.1. Интизомий жавобгарлик тушунчаси ва унинг турлари

Ижтимоий меҳнат соҳаси ижтимоий ҳаётнинг шундай соҳасики, бу ерда индивидуал, жамоавий ва умумижтимоий каби турли даражадаги кўплаб манфаатлар вужудга келади, тўқнашади ва амалга ошади. Мазкур манфаатлар алоҳида субъектлар тимсолида амалга ошиб, ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлиб, бир-бири билан ўзаро муносабатларга киришади, ҳуқуқбузарлик содир этганда муайян турдаги юридик жавобгарликка тортилади. Шундай қилиб, иқтисодий муносабатлар соҳаси, шунингдек инсоннинг меҳнат қилиш қобилиятини амалга ошириш соҳасида юридик жавобгарликнинг турли хиллари амал қилади.

Меҳнат ҳуқуқи соҳасида юридик жавобгарлик аввало шахсни ўз мажбуриятларига, уни ижро этишга ҳалол ва виждонан муносабатда бўлиш каби ижобий маънода тушунилади. Юридик адабиётларда интизомий ва моддий жавобгарлик кўпинча “меҳнат-ҳуқуқий жавобгарлик” деб номланади ва унда ходимлар, иш берувчилар ва улар

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. – Тошкент.: ТДЮИ, 2008. 623-б.

вакилларининг меҳнат қонунчилигида назарда тутилган тартибда шахсий, ташкилий ва мулкӣ маҳрум қилиш шаклларидаги юридик нохуш оқибатлар учун мажбурияти деб эътироф этилади¹.

Интизомий ва моддий жавобгарлик ўз моҳиятига кўра меҳнат соҳасида юридик жавобгарликнинг мустақил турлари ҳисобланиб, ҳар иккаласи ҳам умумий белги, яъни меҳнат ҳуқуқий муносабатларнинг субъекти бўлиб ҳисобланади. Интизомий ва моддий жавобгарликнинг умумийлигини кўрсатиб турувчи яна бир белги уларнинг ҳар бирининг меҳнат шартномасига асослаганлигидир.

Интизомий жавобгарликнинг ҳуқуқий муаммолари кўп қиррали бўлиб, соҳавий характерга эга ва турли юридик фанлар туташган жойда, хусусан маъмурий ва меҳнат ҳуқуқи оралиғида туради.

Интизомий жавобгарлик интизомий ҳуқуқбузарлик содир этганда вужудга келади ва меҳнат вазифаларини бажармаслик ва лозим даражада бажармаслик, ички меҳнат тартиби қоидаларини айбли равишда бузиш тушунилади.

Ҳуқуқшунос олим Х.Т.Одилқориевнинг таъкидлашича, жиноий ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни белгилаш фақат суд ва хўжалик судлари томонидан амалга оширилади. Интизомий-ҳуқуқий таъсир чорасини қўллаш ички ишлар органлари, мансабдор шахслар ва тегишли ваколатга эга бўлган раҳбарлар (маъмурият) томонидан амалга оширилади².

Интизомий-ҳуқуқий жавобгарликнинг белгиланиш ҳолатлари Меҳнат кодексида, ички меҳнат тартиби қоидаларида ҳамда махсус Низомларда назарда тutilади. Интизомий-ҳуқуқий жавобгарлик меҳнат ва хизмат интизомини бузиш билан боғлиқ бўлиб, уларга идоранинг ички тартиб-қоидаларини бузиш, ишга кеч келиш ёки ишдан барвақт кетиш ва шу каби ҳоллар киради³.

Е.А.Коробовнинг таъкидлашича, асос бўлган тақдирда давлатнинг қонунда ўрнатилган санкцияни ўзи қўллаш имконияти тўлиқ истисно этилмайди. Бироқ бундан мазкур санкция ҳар доим ҳуқуқни қўлловчи бошқа субъект томонидан қўллаш ҳуқуқига эга бўлиши истисно этилмайди. Масалан, давлат ҳеч қачон ходимга хайфсан эълон қила олмайди, бироқ худди шу асосда ходимни маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортиши мумкин⁴.

¹ Гусов К.Н., Полетаев Ю.Н. Ответственность по российскому трудовому праву.-М.:Прспект, 2008. -С.48.

²Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т: Sharq, 2009. –Б.543.

³Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Ҳ.Б.Бобоев, Х.Т.Одилқориевнинг ум.таҳр.остида.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2000. –Б.352.

⁴Коробов А.Е. Юридическая ответственность в сфере общественного труда: проблемы теории.Дисс.....канд.юрид.наук.-М.: 2007. -С.20.

Ўз меҳнат бурчларини қонунга мувофиқ равишда бажармаслик ёки лозим даражада бажармагани учун айбдор бўлган ходимга таъсир кўрсатиш воситаси сифатида меҳнат қонунчилигида интизомий жавобгарлик белгиланган. Интизомий жавобгарликка тортиш учун ходим томонидан содир қилинган интизомга хилоф ножўя хатти-ҳаракат асос бўлади.

Интизомга хилоф ножўя ҳаракат – ходимнинг ўз меҳнат вазифаларини жиноий жавобгарликка тортилишига сабаб бўлмайдиган даражада қонунга номувофиқ равишда ўз айби билан бажармаслик ёки нопок бажарилишини англатади. Ходимнинг номувофиқ хатти-ҳаракати, одатда, унинг зиммасига меҳнат шартномаси ёки корхонадаги ички меҳнат тартибини белгиловчи норматив актлар (масалан, ички меҳнат тартиби қоидалари, техника хавфсизлиги қоидалари, мансабга оид йўриқномалар, низомлар ва бошқалар) билан юкланган меҳнат вазифаларини бузишида ифодаланади. Интизомга хилоф ножўя хатти-ҳаракат ходимнинг ўз айби билан, яъни қасдан ёки эҳтиётсизлик туфайли қилган ҳаракатидир (ҳаракатсизлигидир). Ходимга боғлиқ бўлмаган сабаблар билан (малакаси ёки меҳнат лаёқати етарли эмаслиги, тегишли иш шароити таъминланмаганлиги ва бошқа сабаблар) меҳнат вазифасини бажармаслик ёки нопок бажариш меҳнат интизомини бузиш деб қаралиши мумкин эмас. Интизомга хилоф ножўя хатти-ҳаракати учун ходим, одатда, иш берувчи томонидан интизомий жавобгарликка тортилади. Бундай хатти-ҳаракат содир қилиш интизомий жазо беришга ёки бошқа таъсир чораларини қўллашга сабаб бўлади; агарда корхона, муассаса, ташкилотга моддий зарар етказилган бўлса, ходим меҳнат ҳуқуқи нормалари бўйича моддий жавобгарликка тортилади. Шу билан бирга, зарар етказилишига сабаб бўлган ҳаракати (ҳаракатсизлиги) учун ходим интизомий жазога тортилиши ёки тортилмаслигидан қатъи назар, зарар ундириб олинади¹.

Қонунчиликда интизомий жавобгарликнинг икки тури: умумий интизомий жавобгарлик ва махсус интизомий жавобгарлик кўзда тутилган. Умумий интизомий жавобгарлик ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланган бўлса, махсус интизомий жавобгарлик интизом тўғрисидаги устав ва низомлар, алоҳида қоида ва қонунлар билан белгиланган.

Махсус интизомий жавобгарлик ўзи татбиқ этиладиган шахсларнинг доираси ҳамда ихтиёрига интизомга чақирувчи ваколат берилган шахслар ва органларнинг умумий доираси, қўшимча жазо чорасининг мавжудлиги, шунингдек берилган жазо устидан шикоят қилиш тартиби жиҳатидан умумий интизомий жавобгарликдан фарқ қилади.

¹ Иноятов А.А. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат ҳуқуқи.-Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002й, 259-бет.

Интизомий жавобгарликнинг барча турлари қуйидаги белгилар билан ажралиб туради: ходимга фақат қонунларда ва интизом уставларида, низомларда кўрсатилган жазоларни бериш мумкин; меҳнат интизому бузилган ҳар бир ҳолат учун фақат битта интизомий жазо чораси қўлланилади; жазо беришда содир этилган ножўя ҳаракатнинг оғир-енгиллиги, у содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори эътиборга олиниши керак; интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат содир қилингани маълум бўлгандан кейин қўлланилади.

Интизомий жавобгарлик ички меҳнат тартиби қоидаларига биноан корхона, муассаса ва ташкилотлар ходимларининг аксарият қисмига татбиқ этилади. Махсус интизомий жавобгарлик белгиланган ходимлар тоифаси бундан мустаснодир. Умумий интизомий жавобгарликда меҳнат интизомини бузганлик учун жазо чоралари, уларнинг қўлланиш тартиби, улар устидан шикоят қилиш ва жазони олиб ташлаш тартиби Меҳнат кодексига ҳамда Намунавий ички меҳнат тартиби қоидаларида белгиланган.

2.2. Интизомий жавобгарликка тортишда миллий ва хориж қонунчилиги таҳлили

Меҳнат муносабатларида интизомий жавобгарлик албатта меҳнат шартномаси тарафларига интизомий жазо чораларини қўллаш орқали амалга оширилади. Бунда интизомий жазо чораларини қўллашнинг процессуал тартибига оид қоидалар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Таъкидлаш лозимки, интизомий жазо чораларини қўллаш механизми бўйича муайян тартиб-таомилларни такомиллаштириш зарурати мавжуд.

Меҳнат кодексининг 181-моддасига мувофиқ, иш берувчи меҳнат интизомини бузгани учун ходимга қуйидаги интизомий жазо чораларини қўллашга ҳақли:

1) хайфсан;

2) ўртача ойлик иш ҳақининг 30%идан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима. Ички меҳнат тартиби қоидаларида ўртача ойлик иш ҳақининг 50%дан ортиқ бўлмаган миқдорда жарима солиш ҳоллари ҳам назарда тутилиши мумкин. Ходимнинг иш ҳақидан жаримани ушлаб қолиш Кодекснинг 164-моддаси талабларига риоя қилган ҳолда иш берувчи томонидан амалга оширилади;

3) меҳнат шартномасини бекор қилиш (100-модданинг 2-қисми 3,4-бандлари).

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, қонунда назарда тутилмаган интизомий жазо чоралари жорий этиш ва уларнинг қўлланиши қатъиян тақиқланади.

Қуйидагилар асоссиз равишда интизомий жазо берилишига қарши ҳуқуқий кафолатлар ҳисобланади:

- меҳнат интизомини бузувчидан ёзма равишда баёнот талаб қилиниши;

- буйруқ ҳақида ходимни хабардор қилиш ва бу ҳақда тилхат олиш, берилган жазо устидан белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқи;

- умумий интизомий жавобгарликка тортилганда меҳнат низолари комиссиясига, судга, махсус интизомий жавобгарликка тортилганда эса бўйсунуш тартибида юқори органларга шикоят қилиш мумкин.

Интизомий жазо қўлланишидан олдин ходимдан ёзма равишда тушунтириш хати талаб қилиниши лозим. Ходимнинг тушунтириш хати беришдан бош тортиши унинг илгари содир қилган ножўя хатти-ҳаракати учун жазо қўллашга тўсик бўла олмайди.

Интизомий жазо қўлланилаётганда содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг қай даражада экани, шу хатти-ҳаракат содир этилган вазият, ходимнинг олдинги иши ва хулқ-атвори ҳисобга олинади. Бундан ташқари, илгари таъкидланганидек, ҳар бир ножўя хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланилиши мумкин.

Интизомий жазо бевосита ножўя хатти-ҳаракат аниқлангандан кейин, аммо бу хатти-ҳаракат аниқлангандан бошлаб, ходимнинг касал ёки таътилда бўлган вақтидан ташқари, узоғи билан бир ой ичида қўлланилади. Ножўя хатти-ҳаракат содир этилган кундан бошлаб олти ой ўтганидан кейин, бу ҳол молия-хўжалик фаолиятини тафтиш этиш ёки текшириш натижасида аниқланганда, содир этилган кундан бошлаб икки йил ўтганидан кейин жазо қўллаб бўлмайди. Жиноий иш бўйича иш юритилган давр бу муддатга кирмайди. Интизомий жазо берилгани тўғрисидаги буйруқ (фармойиш) ёки қарор ходимга маълум қилиниб, тилхат олинади.

Интизомий жазонинг амал қилиш муддати жазо белгиланган кундан бошлаб бир йилдан ошиб кетмаслиги лозим. Агар ходим шу муддат ичида яна интизомий жазога тортилмаса, у интизомий жазо олмаган ҳисобланади.

Интизомий жазони қўллаган иш берувчи ўз ташаббуси билан, ходимнинг илтимосига биноан, меҳнат жамоаси ёки ходимнинг бевосита раҳбари илтимосномасига кўра жазони бир йил ўтмасдан олдин ҳам олиб ташлашга ҳақли (МКнинг 183-моддаси). Интизомий жазони муддатидан олдин олиб ташлаш иш берувчининг буйруғи билан расмийлаштирилади. Меҳнат кодексининг 184-моддасига мувофиқ, интизомий жазо устидан яқка меҳнат низоларини кўриш учун белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Меҳнат низосини кўриб чиқаётган орган содир этилган ножўя хатти-ҳаракат қандай вазиятда юз берганлигини, ходимнинг хулқ-атворини, меҳнатга бўлган муносабатини, интизомий жазонинг содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг оғирлик даражасига мос келишини, иш берувчининг интизомий жазо бериш тартибига риоя қилганлигини ҳисобга олиб, ходимга нисбатан қўлланилган интизомий жазони

гайриқонуний деб топиш ва уни бекор қилиш тўғрисида қарор чиқаришга ҳақли.

Махсус қонунларда ва интизом тўғрисидаги уставларда, шунингдек низомларда айрим тоифа ходимларнинг ножўя ҳаракатлари учун юқорида кўрсатиб ўтилган умумий интизомий жазолардан ташқари қўшимча, қаттиқроқ жазо чоралари назарда тутилган бўлиши мумкин.

Интизомий жазолар мавжуд қоидаларга мувофиқ, ўша шахсни лавозимга тайинлаш ҳуқуқига эга бўлган шахслар ёки органлар томонидан ёхуд мазкур шахслар ва органларга нисбатан бўйсунтиш тартибида юқори турувчи шахслар ва органлар томонидан берилади. Жазо бериш масалалари бўйича меҳнат низолари бўйсунтиш тартибида юқори турувчи органлар томонидан кўриб чиқилади. Жазо қонунсиз берилган деб топилган тақдирда, юқори турувчи орган жазони бекор қилиш тўғрисида буйруқ чиқариш ва уни ходимга ҳамда иш берувчига дарҳол юбориши шарт.

Юқорида таъкидланганидек, халқ хўжалигининг айрим тармоқлари ходимларининг интизомий жавобгарлиги интизом ҳақидаги уставлар билан тартибга солинади ва бу уставлар қўлланиладиган шахслар доираси аниқ белгилангани, қаттиқроқ интизомий жазо чоралари қўлланилиши, чораларни меҳнат функциясининг мазмуни ва содир этилган ножўя хатти-ҳаракатнинг оғир-енгиллигига қараб дифференциялангани билан, турли мансабдор шахсларнинг интизомий жазо беришга оид ваколати белгилаб қўйилгани билан ажралиб туради.

Судьялар¹, прокуратура органларининг ходимлари алоҳида қонун ҳужжатларига мувофиқ, интизомий жавобгарликка тортилиши белгилаб қўйилган². Адвокатларнинг интизомий жавобгарлиги эса Адвокатура ҳақидаги қонунда батафсил баён этилган.

АҚШ, Канада, Франция, Австралия, Янги Зеландия каби давлатларда интизомий жазо чоралари меҳнат ҳуқуқининг муҳим элементи бўлиб, ушбу давлатларда интизомий ножўя хатти-ҳаракат ходимнинг меҳнат фаолияти билан бевосита боғлиқ бўлиши талаб этилади. Шу билан бирга, бир қанча давлатларда (АҚШ, Канада, Буюк Британия, Франция) ходимнинг меҳнат жараёнидаги хулқ-атвори тадбиркор (иш берувчи)нинг манфаатларига зарар етказса у интизомий жавобгарликка тортилади. Японияда эса ходимнинг меҳнати билан боғлиқ бўлмаган хатти-ҳаракати тадбиркорнинг репутациясига зарар етказадиган бўлса ҳам унга нисбатан интизомий жазо чораси қўлланилади. Аксарият Европа давлатларининг меҳнат қонунчилиги ходим ва иш берувчининг моддий

¹ Ўзбекистон Республикасининг "Судлар тўғрисида"ги (янги таҳрири) 2000 йил 14 декабрдаги 162-11-сон қонунининг 73-моддаси. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2000 йил, 11-сон, 155-модда.

²Ўзбекистон Республикасининг "Прокуратура тўғрисида" (янги таҳрири) 2001 йил 29 августдаги қонунининг 48-моддаси.

жавобгарлигини қамраб олмайди. Бундай турдаги жавобгарлик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик сифатида уларнинг фуқаролик қонунчилигида белгилаб қўйилиши мумкин.

Мисол тариқасида, айтиб ўтиш керакки, интизомий жазо чораларидан бири бўлмиш жарима Буюк Британия ва Францияда интизомий жазо чораси сифатида қўлланилмайди¹.

Маълумки, интизомий жазо чоралар қаторига огоҳлантириш, хайфсан, жарима, лавозимдан тушириш, меҳнат шартномасини бекор қилиш ва бошқа чоралар киради. Хорижий мамлакатларда уларнинг айримлари қўлланилса, айримлари қўлланилмайди.

Демак, хорижий мамлакатлар меҳнат ҳуқуқида қўлланиладиган жавобгарликнинг турлари ва хусусиятларини таҳлил қилиш натижасида шу нарса аён бўлдики, ушбу давлатларда жавобгарликнинг турли шакллари қўлланилиб, уларни қўллаш тартиби ва хусусиятлари ҳам фарқланар экан.

Шу билан бирга мазкур ҳолатда вояга етмаганлар ва вояга етганлар орасида интизомий жавобгарлик чоралари бир хил берилганлиги ҳам қайсидир маънода нотўғри ҳисобланади.

Чунки Меҳнат кодексида ёшларга аталган уларнинг ҳуқуқларини алоҳида ажратган ҳолда ҳимоя қиладиган моддалар йўқ. Лекин ривожланган давлатларнинг меҳнат қонунчилигида ёшларга табақалашган ҳолда ёндашиш яхши ривожланган. Жавобгарлик даражаси ҳам бошқаларга нисбатан енгилроқ ва мазкур жавобгарликнинг амал қилиш даври ҳам бир ойни ташкил қилади. Бундан ташқари мазкур жавобгарликнинг миқдорини вояга етмаганлар учун 15% қилиб белгиласа мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Корхона раҳбарларини интизомий жавобгарликка тортишнинг хусусиятлари ҳам мавжуд. Корхона раҳбарининг ҳуқуқий мақоми анча мураккаб ҳисобланади. У ўзига хос меҳнат функциясини бажаради – корхона фаолиятини амалга ошириш билан боғлиқ ҳужжатларни ижро этади.

Корхона раҳбари ҳуқуқий ҳолатининг ўзига хос хусусияти меҳнат муносабатларида уни ҳам ходим, ҳам иш берувчининг вакили сифатида уйғунлаштиради, уни ўзига юклатилган меҳнат мажбуриятларини бажаришга нафақат алоҳида талаблар қўйиш зарурлигини, балки уни асоссиз даъволардан ҳимоя қилишни таъминлашни ҳам талаб этади. Корхона раҳбарининг ўринбосарлари, корхона таркибий бўлинмаларининг раҳбарлари раҳбарлик ваколатига кирган у ёки бу вазифаларни бажаришлари мумкин. Бу эса корхона раҳбарлари ва унинг ўринбосарларига нисбатан интизомий жавобгарлик институтини қўллаш хусусиятлари кўрсатиб, меҳнатнинг самарадорлиги корхонанинг

¹ Киселев И.Я. Зарубежное трудовое право. М.: НОРМА – ИНФРА-М. 1998. – С. 102.

фаолиятига кучли таъсир ўтказди ва шунинг учун корхона мулкдорининг мулкый манфаатларига мос келади¹.

Иш берувчи, шунингдек, унинг вакиллари қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа келишувлари ва шартномалари шартларига риоя қилишга мажбурдирлар.

Корхонада меҳнат интизомини таъминлаш мақсадида меҳнат ҳуқуқи нормалари иш берувчининг ҳўжалик ҳокимиятини қўллаб-қувватлайди, ўз меҳнат вазифаларини виждонан бажарганлик учун нафақат рағбатлантириш чораларини қўллаш бўйича ваколатлар беради, балки меҳнат интизомини бузган ходимларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллашга ҳам руҳсат беради.

Шуниси равшанки, корхона раҳбари фуқаролик муомаласида юридик шахс органи сифатида корхона ва иш берувчига бошқа ходимга нисбатан сезиларли равишда катта зарар етказиши мумкин. Шунинг учун меҳнат қонунчилиги раҳбар ходимлар – корхона раҳбари, корхона таркибий бўлинма раҳбари, айрим тоифа ходимлар учун ўринбосарлар учун кучайтирилган жавобгарликни белгилаган, уларни интизомий ва юридик жавобгарликнинг бошқа турларига тортиш учун алоҳида хусусиятлар белгиланган.

Корхонада ҳуқуқ-тартиботга риоя қилиш бўйича иш берувчининг мажбурияти унинг органи – корхона раҳбари томонидан амалга оширилади. Меҳнат интизомини иш берувчи томонидан бузиш имкониятини ҳисобга олиб раҳбарнинг интизомий жавобгарлигининг икки хил табиати тўғрисида фикр юритиш мумкин: корхона ходими бўлиб ҳисобланган раҳбарнинг жавобгарлиги ва ҳуқуқ тартибот талабларини бузган иш берувчи юридик шахс органи сифатида. Ушбу икки хил интизомий жавобгарликка тортишни қонунчилик ҳам ўзида акс эттирган².

Умумий қоидага кўра ходим томонидан интизомий ҳуқуқбузарлик содир этилганида иш берувчи уни интизомий жавобгарликка тортиши, шунингдек тортмаслиги ҳам мумкин. Айни пайтда РФ МК 195-моддасига кўра, ходимлар вакиллик органи талабига мувофиқ меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномалари ва келишувлари нормаларини бузган ходимлар вакиллик органи аризасида кўрсатилган бўлса корхона раҳбарлари, корхона таркибий бўлинма раҳбарлари, улар ўринбосарларини ишдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо чораларини қўллашга мажбур.

РФ МК 195-моддасига кўра, иш берувчи ходимлар вакиллик органларининг корхона раҳбарлари томонидан меҳнат қонунчилигини бузиш ҳақидаги аризасини кўриб

¹ Гусов К.Н., Полетаев Ю.Н. Ответственность по российскому трудовому праву. –М.: Проспект, 2008. –С.125.

² Гусов К.Н., Полетаев Ю.Н. Ответственность по российскому трудовому праву. –М.: Проспект, 2008. –С.115.

чиқишга мажбур бўлиб, бу ҳақда вакиллик органига кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабар беришлари лозим.

Агар ҳуқуқбузарлик ҳолати тасдиқланган бўлса, иш берувчи юқорида номлари келтирилган раҳбарларнинг барчасига интизомий жазо чораларини қўллашга мажбур.

РФ МК 195-моддаси шундан гувоҳлик берадики, қонун чиқарувчи мазкур корхона ходимлар жамоаси ва иш берувчи ўртасидаги ижтимоий шерикчилик муносабатларига манфаатдорлик ўрнатилишини кўрсатади, бу ходимга нисбатан иноспарварлик ва адолат тамойилларига асосланади.

Мазкур модда ходимлар вакиллик органининг аризасини кўриб чиқиш тартиб-таомиллари(аризани кўриб чиқиш муддати, ҳуқуқ нормаларини бузилганлик ҳолатларини текшириш тартиби)ни тартибга солмайди. Бироқ РФ МКнинг 379-моддаси 2-қисмига мувофиқ, иш берувчи аниқланган ҳуқуқбузарликни бартараф этиш ҳақида талаб олган қондан бир ҳафта ичида мазкур талабни кўриб чиқиш муддатлари ва кўрилган чоралар ҳақида тегишли касаба уюшмасига хабар беришга мажбур. Фикримизча, мазкур муддат корхона раҳбарларини интизомий жавобгарликка тортиш ҳақидаги вакиллик органининг аризасини кўриб чиқишга ҳам татбиқ этилиши лозим¹.

Аризани кўриб чиқиш ва ходимлар вакиллик органининг талабларини қондиришини рад қилиш жамоага доир ёки яқка меҳнат низосини қўзғатиш учун асос бўлиб хизмат қилади (бу корхона раҳбари ҳуқуқбузарлик характериға боғлиқ).

Юқорида таъкидланганидек, меҳнат интизومي ижобий методлар орқали (ишонтириш, рағбатлантириш) ва мажбурлаш методлари (интизомий жавобгарликка тортиш) орқали таъминланади. Шубҳасиз мазкур чоралар барча тоифадаги ходимлар учун қўлланилади, шунингдек улар қонун билан ўрнатилган ҳолатларда корхона раҳбарларига ҳам татбиқ этилиши лозим.

Меҳнат қонунчилиги нормаларига мувофиқ раҳбар корхона ходими сифатида меҳнат тартибига риоя қилишга мажбур, РФ МК 189-моддасига кўра у ўз ичига ходимларнинг ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини, иш режими, дам олиш вақти, рағбатлантириш ва жазолаш чоралари, шунингдек корхонадаги бошқа меҳнат муносабатларини тартибга солиш масалаларини ҳам.

Шу билан бирга амалиётда раҳбарни жавобгарликка тортишда субъект билан боғлиқ муаммо вужудга келади. Агар оддий ходим томонидан содир этилган интизомий ҳуқуқбузарликнинг иш берувчига маълум бўлиши эҳтимоли юқори бўлади ва ходим

¹ Гусов К.Н., Полетаев Ю.Н. Ответственность по российскому трудовому праву. –М.:Прспект, 2008. –С.116.

интизомий жавобгарликка тортилади, корхона раҳбари томонидан содир этилган ҳуқуқбузарлик жазосиз қолади, чунки у иш берувчи томонидан аниқланмайди.

Шуниси аниқки, раҳбарни жавобгарликка тортиш бўйича иш берувчининг мажбуриятини белгиловчи РФ МК 195-моддаси раҳбар томонидан меҳнат қонунчилигини бузиш ходимлар вакиллик органи томонидан аниқланган ҳолларда ва тегишли ариза берилганда бошқа ходимларнинг ҳуқуқларини бузиш билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлмаган ҳолда раҳбарнинг меҳнат қонунчилигига риоя қилмаслик ҳолатларида ҳам қўлланилиши мумкин. Раҳбар томонидан меҳнат режимининг бузилиши, агар у вакиллик органига маълум бўлса, шунингдек раҳбарни интизомий жавобгарликка тортиш бўйича иш берувчининг мажбурияти вужудга келиши учун хизмат қилади.

Масалан раҳбарнинг ишга кеч келиши ёки иш жойида бўлмаслиги ходимлар вакиллик органи маълум бўлиши эҳтимоли жуда кам. Бундан ташқари раҳбар иш фаолиятининг хусусиятлари унинг иш юзасидан учрашувлар ва хизмат сафарлари билан боғлиқ ҳолда ишда бўлмайди. Шунингдек, ҳозирги вақтда кўпгина корхоналар асосан ўрта ва кичик корхоналарда умуман ходимлар вакиллик органи мавжуд эмас.

Шундай қилиб, иш берувчи корхона меҳнат интизомига раҳбарнинг риоя қилиши устидан самарали механизмга эга эмас. Бироқ, А.С.Горячевнинг фикрича, интизомий жавобгарлик институтидан фойдаланиш билан боғлиқ ушбу механизмларни ишлаб чиқишда кучли зарурат мавжуд эмас деган фикрларига қўшилмасликнинг иложи йўқ. Мулкдорнинг манфаатларини ҳимоя қилиш учун меҳнат қонунчилигида виждонсиз ва сифатсиз бошқарув натижасида зарар етказилганида раҳбарнинг тўлиқ моддий жавобгарлигидан фойдаланишнинг кенг имкониятлари назарда тутилган.

РФ МКнинг 195-моддаси ва бошқа қоидаларни таҳлил қилиб, шундай хулосага келиш мумкинки, корхона раҳбарини интизомий жавобгарликка тортиш мажбурияти тегишли ходимлар вакиллик органининг талаби бўлган тақдирда келиб чиқади.

Таъкидланганидек, РФ МК 195-моддасида кўрсатилишича, ходимлар меҳнат қонунчилиги, жамоа шартномаси ва келишувлари шартларини бузиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар учун интизомий жавобгарликка тортилади. Бошқа ҳолатларда мазкур ходимлар томонидан интизомий ҳуқуқбузарлик содир этиш МК 192-моддаси нормалари бўйича вужудга келади. Меҳнат ҳуқуқи соҳасидаги олимларнинг таъкидлашларича, корхона раҳбари, корхона таркибий бўлинма раҳбари, унинг ўринбосарлари интизом тўғрисидаги устав ва низомларда, ички меҳнат тартиби қоидаларида назарда тутилган интизомий жазо чораларидан бири қўлланилиши лозим.

Корхона раҳбарлари (филиал, ваколатхоналар), унинг ўринбосарлари учун интизомий жазо турининг меҳнат шартномасини бекор қилиш тури истисно этилади.

Корхона раҳбари ва унинг ўринбосарлари меҳнат мажбуриятларини бузганда ишдан бўшатишнинг умумий асослари сифатида қўшимча асослар билан ҳам ишдан бўшатилиши мумкин. Масалан, РФ МК 81-моддаси 9-қисми мулкни нобуд бўлишига олиб келган асоссиз қарор қабул қилиш, мулкдан нооқилона фойдаланиш ёки корхонага бошқача етказилган зарар учун, 81-моддаси 10-қисми ўз меҳнат мажбуриятларини бир марта қўпол равишда бузганлик сифатида баҳоланади.

Қонунчилик меҳнат мажбуриятларини қўпол равишда бузиш айнан нимадан иборат бўлиши ва унинг турларини кўрсатмайди. Таркиб топган суд амалиётига кўра корхона раҳбари муҳим мажбуриятларини бажармаслигини қўпол равишда бузиш бўлиб, у корхонанинг мулкига ёки ходимларнинг ҳаётига зарар етказишга олиб келади, масалан, меҳнатни муҳофаза қилиш, моддий қимматликларни ҳисобга олиш, рўйхатга олиш ва статистика ҳисоботини олиб бориш қоидаларини бузиш. Қўпол бузишга суд амалиёти шунингдек, хизмат ваколатларини суистеъмол қилиш ва улардан ғаразли мақсадларда фойдаланишни киритади.

Юқоридагилардан келиб чиқиб айтиш мумкинки, замонавий меҳнат қонунчилиги интизомий жавобгарликнинг мустақил субъекти сифатида корхона раҳбари, корхона таркибий бўлинма раҳбари, унинг ўринбосарларини тан олади. Уларга РФ МК умумий нормалари билан бир қаторда ишдан бўшатишгача бўлган қўшимча интизомий жавобгарлик қўлланилади. Бундай ҳолларда иш берувчи интизомий жазо чораларини қўллаш тартибига риоя этиши лозим.

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси корхона раҳбарини интизомий жавобгарликка тортишни белгилловчи қуйидаги янги модда билан тўлдирилиши лозим:

195-модда. Корхона раҳбари ва унинг ўринбосарларини интизомий жавобгарликка тортиш

Иш берувчи ходимлар вакиллик органининг корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа шартномаси ва келишувлари шартларини бузиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш ҳамда ходимлар вакиллик органига кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабар қилишлари шарт.

Ҳуқуқ бузиш факти аниқланган тақдирда иш берувчи корхона раҳбари, унинг ўринбосарларига ишдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо чораларини қўллашга мажбурдир.

II боб бўйича хулосалар

Юқоридагиларни инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси корхона раҳбарини интизомий жавобгарликка тортишни белгиловчи қуйидаги янги модда билан тўлдирилиши лозим:

195-модда. Корхона раҳбари ва унинг ўринбосарларини интизомий жавобгарликка тортиш

Иш берувчи ходимлар вакиллик органининг корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар, жамоа шартномаси ва келишувлари шартларини бузиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш ҳамда ходимлар вакиллик органига кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабар қилишлари шарт.

Ҳуқуқ бузиш факти аниқланган тақдирда иш берувчи корхона раҳбари, унинг ўринбосарларига ишдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо чораларини қўллашга мажбурдир.

3.1. Мехнат муносабатларида моддий жавобгарлик тушунчаси ҳамда унинг фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик билан нисбати

Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилигига мувофиқ, меҳнат шартномасининг бир тарафи(иш берувчи ёки ходим) меҳнат соҳасидаги вазифаларни бажариши муносабати билан бошқа тарафга етказилган зарарни меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланган қоидаларга асосан қоплаши лозим. Етказилган зарарни бундай тарзда қоплаш мажбурияти меҳнат ҳуқуқи бўйича моддий жавобгарлик деб аталади¹.

Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик – фуқаролик қонунчилиги қоидаларини бузган шахсларга нисбатан жабрланувчига етказилган мулкӣ зарарни қоплаш билан боғлиқ мажбурий таъсир чораси қўлланилади. Фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарлик шартнома талабларини лозим даражада ёки умуман бажармаганлик учун келиб чиқади ва одатда, мулкӣ(моддий) мазмундаги таъсир чоралари қўлланиши билан тавсифланади. Шу билан бирга таъкидлаш жоизки, фуқаровий-ҳуқуқий жавобгарликка сабаб бўлувчи ҳуқуқбузарлик (мажбуриятни бажармаслик) икки хил бўлади: а) фуқаровий қонунчиликда назарда тутилган мулкӣ мажбуриятларни бажармаслик; б) фуқароларнинг соғлиғи, ҳаёти, шаъни ва кадр-қимматида дахлдор номулкӣ мажбуриятларни бажармаслик. Мазкур жавобгарлик Фуқаролик кодекси, Оила кодекси, Ер кодекси, Меҳнат кодекси ва бошқа хусусий ҳуқуқ соҳасига оид қонунлар нормасини бузиш натижасида келиб чиқади².

М.Ю.Гасановнинг фикрича, Меҳнат кодекси, бир томондан, ҳозирги вақтда умумий ҳуқуқий тартибга солиш соҳасига кирмаган бир қанча қоидалар билан, иккинчи томондан – турли даражалардаги қонуности ҳужжатларида қайд этилганига қарамай, уларнинг аҳамияти катталигини ҳисобга олиб, бевосита Кодексида белгилаб қўйилиши зарур бўлган меъёрлар билан тўлдирилиши керак³.

М.М.Мамасиддиқовнинг фикрича, қонуности норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар билан тартибга солинадиган ишлаб чиқаришдаги текширилиши ва ҳисобга олиниши лозим бўлган бахтсиз ҳодисалар, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса юзасидан иш берувчининг мажбуриятлари, бахтсиз ҳодисани текшириш тартиби, текширишга оид материалларни расмийлаштириш ва ҳисобга олиш ҳамда ҳал этишга оид қоидалар мамлакатимиз меҳнат қонунчилигида мустаҳкамланиши лозим. Дарҳақиқат, МКда ушбу қоидаларнинг ўз ифодасини топиши, биринчидан, меҳнатга оид ҳуқуқий муносабат субъектларининг

¹ Иноятов А.А.Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002.-Б.263.

² Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т: Sharq, 2009. –Б.542

³ Гасанов М.Ю.Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси: янада такомиллаштириш масалалари//Kadrlar masalalari bo'yicha ma'lumotnoma.2007, № 3, -Б.28.

меҳнат ҳуқуқлари самарали ҳимоя қилинишини таъминлайди, иккинчидан, миллий қонунчилигимизни янада ривожлантиради, қонунчилигимиздаги айрим “бўшлиқ ва заиф нуқталар”га барҳам беради, учинчидан, қонунчиликни “тўғридан-тўғри” амалда бўлишини таъминлайди, бу эса ҳуқуқни қўллаш амалиётида бир қатор қулайликларни юзага келтиради¹.

М.И.Брагинский ва В.В.Витрянскийлар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликни юридик жавобгарликнинг бошқа турларидан ажратиб турувчи ҳамда фуқаролик-ҳуқуқий жиҳатдан тавсифловчи қуйидаги хусусиятини ажратиб кўрсатадилар:

1) фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг мулкӣ характерга эга эканлиги. Бунда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик зарарни қоплаш, зиённи тўлаш, неустойка(жарима, пеня) ни тўлаш билан боғлиқ бўлади;

2) фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик фуқаролик-ҳуқуқий муносабат иштирокчиларининг бир-бирига нисбатан мажбурияти шаклида намоён бўлади. Шундай экан, бунда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузарнинг жавобланувчи олдидаги мажбурияти ҳисобланади;

3) фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг энг муҳим хусусиятларидан бири – бу жавобгарлик ҳажмининг етказилган зарар ва зиённинг ҳажмига мутаносиблигидир;

4) фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг яна бир хусусияти мулкӣ муомаланинг турли иштирокчиларига нисбатан бир турдаги ҳуқуқбузарликлар учун тенг миқдордаги қоранинг қўлланилиши ҳисобланади².

Ҳар бир ҳуқуқий институтда бўлгани каби фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик институтида ҳам унинг мазмунига сингдирилган асосий тамойиллари мавжуд. О.С.Иоффе фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг қуйидаги тамойилларини санаб ўтади:

- қонунийлик тамойили;
- зарарни тўлиқ қоплатиш тамойили;
- айб учун жавобгарлик тамойили.

Дарҳақиқат бу тамойиллар фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг мазмунида ўз ифодасини топган. Фикримизча, бу тамойилга қўшимча равишда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг ҳар доим мулкӣ характерга эга бўлишлиги тамойили мавжудлигини ҳам таъкидлаш ўринли. Тўғри, баъзи ҳолларда фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ҳуқуқбузарга номоддий мажбурият юкланишида ҳам намоён бўлади (ФК 100-модда).

¹ Мамасиддиқов М.М.Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари.-Т.:АҚҲМИ нашриёти, 2008.-Б.25

² Эгамбердиева Н.Х.Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. –Т.:ТДЮИ, 2007.-Б.18-19.

Бундай чорани фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик сифатида талқин этиш нотўғри ҳисобланади¹.

Етказилган зарарнинг тўла қопланиши тамойили бир вақтнинг ўзида жабрланувчининг субъектив ҳуқуқи ҳам ҳисобланади ҳамда ҳуқуқи бузилган шахснинг талаби билан етказилган зарар тўлиқ қопланади. ФКнинг 14-моддасига мувофиқ, агар қонун ёки шартномада зарарни камроқ миқдорда тўлаш назарда тутилган бўлса, ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарнинг тўла қопланишини талаб қилиши мумкин. Бунда ҳуқуқи бузилган шахс ўзига етказилган зарарни қисман қопланишини ёки умуман қоплашни талаб қилмаслик ҳуқуқига эга. Агар ҳуқуқи бузилган шахс зарарни қоплашни талаб қилмаса ва ундан воз кечса фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик вужудга келмайди².

Одатда фуқаролик ҳуқуқида етказилган зарарларни қоплаш бузилган ҳуқуқларнинг тикланиши ва ҳуқуқбузарнинг моддий жавобгарлиги билан белгиланади. Бунда асосий эътибор ҳуқуқбузарни жазолаш ва унинг шахсига таъсир ўтказишга эмас, балки жабрланувчига етказилган моддий ва маънавий зарарни қоплашга қаратилади.

Фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи, мол-мулки, шунингдек юридик шахсларнинг мулкига етказилган зарарларни қоплаш фуқаролик ҳуқуқида ўзига хос институтни ташкил этади. Деликт мажбуриятлар деб номланувчи мазкур муносабатлар юридик шахс ёки фуқаронинг ўз ходими томонидан етказилган зарар учун жавобгарлигини тадқиқ этишда бош деликт тамойилининг қоидаларини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқдир. Фуқаролик ҳуқуқидаги бош деликт тамойилига мувофиқ, шахснинг мол-мулкига, ҳаётига, шахсига ёки соғлиғига зарар етказган шахс уни тўлиқ қоплаши лозим. Бу қоида Фуқаролик кодексининг 985-моддасида қуйидагича белгиланган: ғайриқонуний ҳаракат (ҳаракатсизлик) туфайли фуқаронинг шахсига ёки мол-мулкига етказилган зарар, шунингдек юридик шахсга етказилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда зарарни етказган шахс томонидан тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим. Бош деликт тамойили Франция Гражданлик кодексининг 1132-моддасида биринчи мартаба белгиланган бўлиб, унга кўра, бир шахс томонидан етказилган ҳар қандай зарар тўлиқ ҳажмда қопланиши лозим ва бунда жабрланувчининг ўз талабини исботлаши талаб этилмайди. Шу билан бирга бу тамойил учун хос бўлган яна бир муҳим жиҳат сифатида “айбдорлик презумпцияси”нинг қўлланилишидир. Яъни, етказилган зарарда ҳуқуқбузар ўзининг айбсиз эканлигини исботлаб бериши лозим бўлади. Унинг ўз айбини исботламагунига қадар етказилган зарарда айбдор деб тасаввур этилиши жабрланувчининг ҳуқуқлари қонун билан кафотланганлигининг яна бир далилидир.

¹Эгамбердиева Н.Х.Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. –Т.:ТДЮИ, 2007.-Б.19.

² Эгамбердиева Н.Х.Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. –Т.:ТДЮИ, 2007.-Б.19.

В.Т.Смирнов, А.А.Собчакларнинг фикрича, бош деликт ношартномавий зарар етказилганда жавобгарликнинг умумий асосларини белгилайди ва қуйидаги уч ҳолатда намоён бўлади:

а) шахсга ёки мол-мулкка етказилган зарар уни етказувчиси томонидан тўлик қопланиши керак;

б) шахсга ёки мол-мулкка етказилган зарар қайси соҳа (фуқаролик, меҳнат, табиат ресурслари, табиатни муҳофаза қилиш ва қонунчиликнинг бошқа соҳаси)да етказилган бўлишдан қатъи назар, агар зарар етказувчи ўзининг айбсиз эканлигини ёки зарар етказишда ҳуқуқи бор эканлигини ёхуд охири зарурий мудофаа ҳолатида зарар етказилганлигини исботлай олмаса ҳуқуққа хилоф деб ҳисобланади;

в) деликт жавобгарлигининг асоси ҳисобланган фуқаролик ҳуқуқбузарлик таркибини зарар, ҳуқуққа хилоф хатти-ҳаракат, сабабий боғланиш ва зарар етказувчининг айби ташкил қилади.

Шунингдек, меҳнат муносабатлари билан боғлиқ фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик тушунчасини аниқлашда бу турдаги жавобгарликнинг меҳнат ҳуқуқидаги моддий жавобгарликдан фарқ қилувчи жиҳатларини ажратиш олиш лозим. Ҳуқуқий адабиётларда мазкур турдаги жавобгарлик қуйидаги белгилари билан фарқланиши кўрсатиб ўтилган:

- моддий жавобгарлик фақатгина иш берувчи билан меҳнат муносабатларига киришган ходимларга нисбатан қўлланилади. Агар ходим унга муайян ишни бажаришни топширган шахс билан меҳнат муносабатларига киришмаган ва фуқаровий-ҳуқуқий шартнома (пудрат ёки хизмат кўрсатиш) бўйича ишлаётган бўлса, фуқаролик қонунчилигида кўзда тутилган жавобгарлик чоралари қўлланилади;

- фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг мазмуни ва ҳажми шартнома билан (қонун билан ҳам белгиланади – таъкид муаллифники) белгиланса, меҳнат ҳуқуқида етказилган зарарни қоплаш қонунчиликда қатъий белгиланган бўлади;

- ходимнинг моддий жавобгарлиги фақатгина унинг айби мавжуд бўлганда вужудга келади. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик эса айбсиз ҳам вужудга келиши мумкин;

- меҳнат ҳуқуқида фақатгина етказилган ҳақиқий зарар ундирилса, фуқаролик ҳуқуқида етказилган зарар таркибига бой берилган фойда ҳам киритилади;

- бир неча ходимлар томонидан етказилган зарар ҳар бир ходимнинг айбини ҳисобга олган ҳолда тўланади (Меҳнат кодексининг 203-моддаси), фуқаролик ҳуқуқида эса бу ҳолатда ҳиссали эмас, солидар жавобгарлик вужудга келади;

- ходимнинг моддий жавобгарлиги зарар, уни бартараф этиш мумкин бўлмаган кучлар, нормал хўжалик таваккалчилиги оқибатида, охири зарурат ёки зарурий мудофаа натижасида келиб чиққан бўлса истисно этилади, фуқаролик ҳуқуқида эса енгиб бўлмас

куч (форс-мажор), охирги зарурат ёки зарурий мудофаа ҳолатида етказилган зарар тўланмаслиги белгиланган бўлиб, нормал хўжалик таваккалчилиги жавобгарликни истисно этмайди;

- меҳнат ҳуқуқи ва фуқаролик ҳуқуқида етказилган зарарни қоплаш тартиби турли хил бўлиб, ходим жавобгарликка суд тартибида ҳам ва қонун ҳужжатларида кўзда тутилган ҳолларда иш берувчи томонидан ҳам тортилиши мумкин ва бунда жавобгарликка тортиш муддати 1 йил қилиб белгиланган. Фуқаролик ҳуқуқида эса, етказилган зарар фақат суд тартибида ундирилади ва бунинг учун 3 йиллик даъво муддати амал қилади¹.

Шундай қилиб, моддий жавобгарлик ва фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик ўртасидаги фарқли жиҳатлар хусусидаги фикрларга қўшимча равишда қуйидагиларни кўрсатиб ўтиш мумкин:

- моддий жавобгарлик фақатгина ходим ва иш берувчи ўртасидаги шартномавий муносабатлар (меҳнат шартномаси, ишончнома, махсус шартнома)дан келиб чиқса, фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик шартномавий ва шартномадан ташқари (зарар етказиш, асоссиз бойлик орттириш) муносабатлардан келиб чиқади ва улар моддий жавобгарликдаги каби ўзаро узвийликка эга бўлмайди;

- фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг асосий мақсади бузилган ҳуқуқни тиклаш ва ҳуқуқбузарга қўшимча мулкий мажбурият юклаш билан боғлиқ бўлса, моддий жавобгарликнинг мақсади фақатгина бузилган ҳуқуқни қисман ёки тўлиқ тиклашга қаратилади ва ҳуқуқбузарга қўшимча мулкий мажбурият юкламайди (масалан, ходимнинг иш берувчи олдидаги моддий жавобгарлигида – таъкид муаллифники);

- моддий жавобгарлик миқдорида нисбатан етказилган зарарнинг миқдори ва ҳажмидан қатъи назар муайян чегара белгиланиши мумкин. Масалан, Меҳнат кодексининг 201-моддасига мувофиқ, агар МКда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ходим етказган зарари учун ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади. Фуқаролик ҳуқуқида эса деликт мажбуриятларида чекланган жавобгарлик қўлланилмайди (чекланган жавобгарлик шартномавий муносабатларда қўлланилиши мумкин – таъкид муаллифники).

Меҳнат-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган меҳнат шаклида тарафларнинг ўртасидаги муносабатлар меҳнат шартномасига асосланади. Меҳнат шартномаси бўйича ишни ташкил этиш ходимнинг маъмурият (иш берувчи)га бўйсунуши ва унинг назорати остида амалга оширилади. Бунда ходим аниқ мутахассисликдаги вазифани бажариши,

¹Буланова Н.В. Субъекты трудовых и иных непосредственно связанных с ними отношений: гражданско-правовая ответственность. Дис. ...канд. юрид. наук. – М.: РГГУ, 2006. – С.27-29.26-27.

ички меҳнат тартиби қоидаларига бўйсунishi, меҳнат муҳофазаси қоидаларига риоя қилиши, иш берувчининг қонуний топшириқлари ва буйруқларини бажариши лозим бўлади.

3.2.Иш берувчига етказилган зарар учун ходимнинг моддий жавобгарлиги чегарасини белгилаш масалалари

Ҳуқуқшунос олим А.А.Иноятовнинг таъкидлашича, ходимларнинг моддий жавобгарлиги тушунчаси, уларнинг қонунга номувофиқ ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида ўзлари меҳнат қилаётган корхона, муассаса ва ташкилотга етказилган зарарни меҳнат қонунларида белгиланган миқдор ва тартибда қоплаш мажбуриятидан иборат эканини англатади¹.

Шунингдек, муаллиф мазкур мавзуга оид фикрларини давом эттирар экан, шундай деб таъкидлайди – “муҳими, ходим ўзи меҳнат муносабатларида бўлган корхона, муассаса, ташкилотга моддий зарар етказган тақдирда меҳнат қонунларига асосан жавобгар бўлади. Бундай моддий жавобгарликни белгилашда қуйидаги мақсадлар назарда тутилади:

- 1)ходимнинг мулкка эҳтиёткорона муносабатда бўлишини таъминлаш;
- 2)иш ҳақини сақлаш кафолатларини кучайтириш;
- 3)меҳнат интизомини мустаҳкамлаш;
- 4)ижтимоий жиҳатдан йўналтирилган бозор муносабатларининг ривожланиши шароитида корхоналарнинг манфаатлари ҳамда меҳнаткашларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш”².

Меҳнат кодексининг 198-моддаси ходимнинг иш беручи мулкига ва бошқа мулкый манфаатларига зарар етказганлиги учун моддий жавобгарликнинг умумий қоидаларини назарда тутди. Бунда ходимнинг иш берувчи олдида моддий жавобгар бўлишининг юридик асоси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Конституцияси (барча мулк шаклларининг тенг ҳуқуқлилиги ва ҳуқуқий жиҳатдан баб-баравар муҳофаза этилишининг кафолатланишини белгиловчи 53-моддаси) ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси (иш берувчи мол-мулкни авайлаб асраши кераклиги ҳақидаги мажбуриятини назарда тутувчи 176-моддаси), шунингдек, бошқа қонун ҳужжатлари саналади.

¹Иноятов А.А.Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002.-Б.266.

² Иноятов А.А.Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи.-Т.:Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2002.-Б.266.

Меҳнат шартномаси тузиш асосида ҳар қандай мулкчилик шаклидаги корхона, муассаса, ташкилотга ишга қабул қилинган ходим моддий жавобгарлиги меҳнат қонунчилиги нормаларига мувофиқ юз беради. Ҳатто меҳнат шартномаси бекор қилинганидан сўнг ҳам иш жараёнида юз берган зарар юзасидан меҳнат қонунчилигига кўра моддий жавобгарлик вужудга келади.

2. Моддий жавобгарлик - иш берувчига етказилган мулкий зарарни қонун ҳужжатларига мувофиқ қопланишини назарда тутувчи жавобгарликдир. Ходим иш берувчига етказилган бевосита зарарни қоплаши лозим.

Ходим томонидан иш берувчига етказилган бевосита зарар деганда қуйидагилар тушунилади:

а) иш берувчининг ўз мол-мулки, ўзгалардан ижарага вақтинча фойдаланиш учун, сақлаш учун олган асосий ва оборот маблағлари, кўчар ва кўчмас мулклари, бинолари, иншоотлари, ускуналари, транспорт воситалари, хом ашёси, тайёр маҳсулоти, пул ёки бошқа қимматли қоғозлари ҳамда бошқа бойликларининг йўқолиши, нобуд бўлиши, яроқсиз ҳолга келиши;

б) иш берувчи мол-мулкига зиён етиши натижасида унинг таъмир талаб бўлиб қолиши ва уни яроқли ҳолга келтириш учун қўшимча моддий-молиявий харажатлар қилиш заруратининг юзага келиши;

в) ўзга шахсларга зарарни қоплаб бериш, буюмни ўз ҳисобидан таъмирлаб бериш мажбурияти пайдо бўлиши;

г) жарима, тарзидаги пул тўловларини давлат бюджетига ўзга корхона ва ташкилотларга тўлаш мажбурияти пайдо бўлиши кабилар.

Ходим фақат бевосита зарарнигина тўлайди ва олинмасдан қолган фойда (даромад) ундан ундирилишига йўл қўйилмайди.

Ходим ўз хатти-ҳаракатлари туфайли юз берган бевосита зарардан ташқари зарар етказилиши оқибатида вужудга келган қўшимча харажатларни ҳам тўлаши лозим. Бундай қўшимча харажатлар қаторига иш берувчи учинчи шахсларга тўлаган жарима ёки бошқа тўловлари киритилиши мумкин (масалан: корхонанинг транспорт воситасида ўзга шахс соғлиғига зарар етказилганида бевосита зарар (иш ҳақи)дан ташқари даволаниши билан боғлиқ бўлган харажатларни ҳам қопланиши).

Ўзбекистон Республикаси 201-моддасига мувофиқ ходимнинг моддий жавобгарлиги чегараси деб номланган бўлиб, унга кўра агар ушбу Кодексда бошқача ҳолат назарда тутилмаган бўлса, ходим етказилган зарар учун ўзининг ўртача ойлик иш ҳақи миқдори доирасида моддий жавобгар бўлади.

Меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилиш ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахслар ушбу Кодекснинг 274-моддасида белгиланган миқдорда моддий жавобгар бўладилар.

Ходим ўзининг айби билан корхона ёки ташкилотга етказилган моддий зарарни интизомий, маъмурий ёки жамоат жавобгарлигига тортилганидан қатъи назар тўлаши лозим. Шу билан биргаликда Ўзбекистон Республикаси меҳнат қонунчилиги “Ходимнинг иш берувчи олдидаги жавобгарлиги қонунда назарда тутилганидан кўп бўлмаслиги керак” (МКнинг 185-моддаси 2-қисми).

Ушбу тамойил корхонага зарар етказган ходимга қоида тариқасида чекланган моддий жавобгарлик юклаш мумкинлигини назарда тутди.

2. Чекланган моддий жавобгарлик деганда ходим айбли равишда корхонага етказган моддий зарарни қонунда белгилаб қўйилган энг кўпидан ортиқ бўлмаган даражада қоплаш мажбурияти тушунилади.

Меҳнат кодекси ходим моддий жавобгарлигининг икки хил кўринишини белгилайди.

3. Етказилган зарар миқдоридидаги, аммо ходим ўртача бир ойлик иш ҳақи миқдоридан кўп бўлмаган моддий жавобгарлик у ўз хизмат вазифаларини бажариши чоғида эҳтиётсизлик натижасида зарар етказган барча ҳолларда, башарти қонун ҳужжатларида моддий жавобгарликнинг бошқача ҳажми кўрсатилмаган бўлса, қўлланиладиган универсал доддий жавобгарлик саналади.

4. Чекланган моддий жавобгарликнинг иккинчи тури махсус хусусиятга эга бўлиб, фақат корхона ва ташкилотларнинг раҳбарларига (ишга қабул қилиш, бошқа ишга ўтказиш, ишдан бўшатиш ваколатига эга бўлган раҳбарларига) нисбатан қўлланилади.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 274-моддасига кўра:

Суд ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилишда ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига ана шу ходимга иш ҳақи тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклайди. Бундай мажбурият, башарти меҳнат шартномасини бекор қилиш ёки бошқа ишга ўтказиш қонунни очиқ-ойдин бузган ҳолда амалга оширилган ёки мансабдор шахс суднинг ходимни ишга тиклаш тўғрисидаги қарори ижросини кечиктирган бўлса, юклатилади.

Етказилган зарар ўрнини қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдори мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ортиб кетмаслиги лозим.

5. Меҳнат кодексида ва бошқа меҳнатга оид қонун ҳужжатларида эҳтиётсизликдан зарар етказган ходимга тўлиқ (зарарнинг тўла қийматида) моддий жавобгарлик

юкланадиган ҳоллар назарда тутилиши (масалан: моддий жавобгар шахслар, маст ҳолдаги ва бошқа ҳолатлардаги зарар етказиш) мумкин.

6. Корхонага зарар етказган ходимни чекланган моддий жавобгар қилишда унинг ўртача ойлик иш ҳақини ҳисоблаш тартиби МКнинг 169-моддасида белгиланган ва унга кўра:

Ходимга тегишли бўлган ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқариш тартиби барча ҳолларда (кафолатли тўловларни бериш, таътил вақти учун ҳақ тўлаш, вақтинча бошқа ишга ўтказилганда, зарарни қоплашда, мажбурий прогул қилинганда ва бошқа ҳолларда иш ҳақи тўлаш), пенсия тайинлаш учун ўртача иш ҳақини ҳисоблаб чиқаришни истисно этганда, Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати томонидан белгиланади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 11 мартдаги 133-сонли “Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексини амалга ошириши учун зарур бўлган норматив ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида”ги қарорининг 6-иловасида “ўртача иш ҳақини ҳисоблаш тартиби” белгиланган бўлиб, унга кўра:

а) таътиллار вақтига ҳақ тўлаш, ишдан бўшатиш нафақасини, ишсизлик нафақасини тўлаш учун ўртача ойлик иш ҳақи биринчи йил ишловчиларга ҳисоблаб чиқариш кундаги тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан келиб чиққан ҳолда уларни ўн иккидан бирга (олти ой тўлиқ ишлаганларга олтидан бирга; етти ой тўлиқ ишлаганларга еттидан бирга ва ҳоказолар), ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчилари учун ҳисоблаш даврида тарификация бўйича белгиланган иш ҳақи ёки лавозим маошидан ошган суммани ўндан бирга оширган ҳолда ҳисоблаб чиқарилади. Уларга ишбай асосида ишлаб топилган қўшимча иш ҳақи, мукофотлар, қўшимча тўловлар, иш ҳақига қўшимча ҳақлар ва ижтимоий суғурта бўйича бадаллар ҳисобланадиган бошқа тўловлар киради.

б) йил охирида ортиқча бажарилган соатлар учун ўрта махсус ва ҳунар-техника ўқув юртлари ўқитувчиларига қўшимча ҳақ ушбу соатлар бажарилаётган вақтда амалда бўлган ставкалар бўйича тўланади.

с) ходимларнинг саломатлигига меҳнатда майиб бўлиши, касб касаллигига чалиниши ёки меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда соғлиғининг бошқача тарзда шикастланиши иш берувчи томонидан қопланиши учун суммалар ҳисоб-китоби Вазирлар Маҳкамасининг қарори билан тасдиқланган қоидаларга мувофиқ амалга оширилади.

д) меҳнатга яроқсизлик, ҳомиладорлик ва туғиш варақалари бўйича тўловлар (нафақалар ҳисоблаш) ҳисоб-китоби Давлат ижтимоий суғуртаси бўйича нафақалар тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисидаги Низомга мувофиқ амалга оширилади.

е) бошқа барча ҳолларда (1-4-бандларда кўрсатиб ўтилганлардан ташқари) ўртача ойлик иш ҳақи кейинги икки календарь ойидаги ўртача ойлик иш ҳақидан келиб чиқиб белгиланади.

ж) ходим меҳнат таътилида бўлганда, давлат ёки жамоат вазифаларини бажариш, икки ойгача бўлган муддатда иш қидириш (меҳнат бўйича маҳаллий орган томонидан берилган маълумотномага мувофиқ уч ой), шунингдек, касаллик даврида тариф ставкалари, лавозим маошлари миқдорлари ошган ҳолларда меҳнатга ҳақ тўлашнинг янги шартларидаги корхоналар, ташкилотлар, муассасаларнинг ишлаган кунларига тўғри келган иш кунларининг амалдаги сони учун тўловлар қайта ҳисобланади.

Корхона ва ташкилот мулкига етказган зарари учун ходимларнинг чекланган моддий жавобгарлиги уларга қонун билан берилган кафолат бўлиб, мулкчилик шаклидан, ташкилий-ҳуқуқий кўринишидан қатъи назар барча турдаги иш берувчилар (хусусий корхоналар, корпоратив корхоналар, давлат корхоналари, чет эл корхоналари ва бошқалар, шунингдек ёлланма меҳнатдан меҳнат шартномаси тузиш асосида фойдаланувчи жисмоний шахслар) унга амал қилишлари шарт. Чекланган моддий жавобгарлик ўрнига тўлиқ моддий жавобгарлик ёки қонунда белгиланганидан кўпроқ ҳажмда чекланган моддий жавобгарлик қўллаш ғайриқонуний ҳисобланади ва низони кўрган орган иш берувчи қарорини қонун талабларига мувофиқлаштириши шартдир.

Ўзи меҳнат шартнома муносабатида бўлиб турган корхона ёки ташкилотига мулкий зарар етказган ходимлар орасида чекланган моддий жавобгар бўладилар. Аммо, қонунда махсус назарда тутилган ҳолларда улар тўлиқ (яъни, етказилган зарарнинг тўла қиймати ҳажмида) моддий жавобгар қилинишлари мумкин.

Ходимларга тўлиқ моддий жавобгарлик юкланишига йўл қўйиладиган истисно ҳолатлар МКнинг ушбу шарҳланаётган моддасида кўзда тутилган рўйхатдан иборат бўлиб, бу ҳолатларни кенгайтириб шарҳлаш (қўллаш) мумкин эмас. Яъни мазкур моддада назарда тутилганидан бошқа ҳолларда ходимларга тўлиқ моддий жавобгарлик юкланишига йўл қўйилмайди.

Махсус ёзма шартнома асосида унга ишониб топширилган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик (уларни йўқолишига, нормадан ортиқ камайишига, нобуд бўлишига, талон-тарож қилинишига, сифатининг бузилишига сабаб бўлганик) учун тўлиқ моддий жавобгарлик юклаш мумкин.

Моддий жавобгарлик ҳақидаги ёзма шартнома фақат корхона билан меҳнат шартномаси тузган ва ишга қабул қилинган ходим билан (ишга қабул қилиш чоғида ёхуд кейинчалик) тузилиши мумкин. Корхона ходими билан товар-моддий ва бошқа бойликлар юзасидан тузиладиган шартномалар ҳамда улар амал қилиши давомида зарар

етказилишига оид муносабатлар, меҳнат муносабатлари бўлмасдан, фуқаролик ҳуқуқий муносабат саналади ва шу туфайли улар фуқаролик қонун ҳужжатлари билан тартибга солинади. (МКнинг 203-моддаси шарҳига қаралсин.)

Бир галлик ҳужжат асосида олинган қимматликларнинг сақланишини таъминламаганлик учун тўлиқ моддий жавобгарлик юкланиши мумкинлиги МКнинг 202-моддаси 1-қисми 2-бандида назарда тутилган.

Бир галлик ҳужжат деганда иш берувчи (унинг бухгалтерияси) томонидан меҳнат шартномаси тизим асосида корхонада меҳнат қилаётган ходимга берилган ёзма топширик (ҳужжат) назарда тутилади. Унга кўра ходим муайян товар-моддий бойлик ёки бошқа қимматликларни қабул қилиб олиши, ташиши, сақлаши, ўзга шахсларга топшириши, ўзга шахслардан йиғиб олиши, тақсимлаб бериш ваколатларини олади ва айти пайтда ушбу, ўз эгаллигига топширилган бойликлар тақдири учун жавобгар саналади.

Бир галлик ҳужжат вазифасини турли-туман ҳужжатлар, жумладан ишончнома, йўл варақалари, товар-транспорт, юк хатлари ва бошқа ашёларни ходимга топшириш ҳақидаги ишончнома расмийлаштириш, бориш, ишончнома берилган шахс томонидан ўз ваколатларини амалга киритиш тартиби ҳамда ўзига топширилган бойликлар учун ишончнома берилган ходим моддий жавобгарликнинг чегаралари Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги томонидан тасдиқланган ҳамда Адлия Вазирлигида 2003 йил 27 майда 1245-рақами билан давлат рўйхатига олинган “Товар-моддий бойликларни ишончнома асосида бериш ва ишончномага кўра бериш, топшириш тартиби тўғрисидаги низомда” белгилаб қўйилган. Ишончнома берилган ходим унинг асосида ўз жавобгарлигига қабул қилиб олган товар-моддий бойликларига қасддан зарар етказганида ҳам, шунингдек, эҳтиётсизлик билан зарар етишига йўл қўйилганида ҳам тўлиқ моддий жавобгар бўлади.

Ишончнома асосида товар-моддий бойликларга қасддан (ишончни суистъемол қилиш, хизмат ваколатлари чегарасидан чиқиш, жиноий бепарволикка йўл қўйиш, ўзлаштириш, растрата қилиш йўли билан) зарар етказилганида айбдор шахслар тўлиқ моддий жавобгар бўлишларидан ташқари тегишли равишда маъмурий ёки жиноий жавобгарликка тортилишлари мумкин¹.

Товар-моддий бойликлар топширилиши ҳақидаги ишончнома 18 ёшга тўлган ходимларга берилиши мумкин. Бунда ишончнома берилаётган ходимнинг розилиги талаб қилинмайди ва ходимнинг лавозими ёки вазифасининг аҳамияти йўқ.

¹ Рустамбоев М.Х. Комментарий к Уголовному кодексу Республики Узбекистан. Особенная часть “Ўқитувчи” Тошкент., 2004 й., с.305-330..

Ходимга товар-моддий бойликлар топширилиши пайтидаги бир галлик ҳужжат вазифасини йўл варақалари, товар-транспорт юк хатлари, бажариши мумкин. Уларни тайёрлаш, ҳисобга олиш, тўлдириб бериш ва қайта ишлаш бўйича йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги томонидан 2004 йил 2 июнда 1382-сон билан рўйхатга олинган¹. Ходим томонидан корхонага қасддан (тўғри ёки эгри қасд) зарар етказилиши унга тўлиқ моддий жавобгарлик юкланишига асос бўлади.

Ходимнинг қасддан зарар етказганлиги тегишли факт ҳамда далиллар асосида иш берувчи томонидан исботланмоғи лозим.

Корхонага тегишли ускуналар, ишлаб чиқариш воситалари ва бошқа ашёлардан ишдан ташқари пайтда (дам олиш куни, ишдан кейинги пайтда) ўз мақсадлари йўлида фойдаланиш (масалан: корхонага тегишли транспорт воситасидан ишдан кейин шахсий эҳтиёжлари йўлида фойдаланиш), буюм ёки ўзга мулкдан белгиланган мақсадидан бошқа мақсадда фойдаланиш, корхона буюм ва воситаларини тегишли рухсатсиз бегона шахсларга фойдаланиш учун бериш, корхона мол-мулкининг нобуд бўлишига қасддан йўл қўйиш (олдини олиш мумкин бўлгани ҳолда зарар юз беришини бефарқ ҳолда кузатиб туриш) каби ҳолатлар ҳам ходим томонидан қасддан (тўғри ёки эгри қасддан) зарар етказилганлигини англатади ва унга тўлиқ моддий жавобгарлик юкланишига асос бўлади.

Корхона мол-мулкига қасддан зарар етказиш, хатти-ҳаракати ижтимоий хавфлилик даражаси ҳамда юз берган оқибатларига қараб айбдор ходимнинг маъмурий ёки ҳатто жиноий жавобгарликка тортилишига олиб келиши мумкин.

Корхона мулкига бир неча шахслар биргаликда қасддан зарар етказган ҳолларда улар шерикли моддий жавобгар бўладилар. Корхона мулкига бир неча шахслар томонидан зарар етказилганида улардан айримлари корхона ходими бўлмаган (корхонада ишламайдиган шахслар бўлган) ҳолларда улар меҳнат қонунчилигига кўра эмас, балки фуқаролик қонунчилигига кўра умумий асосларда мулкий жавобгар бўладилар.

Корхона мулкани растрата қилиш, камомадга йўл қўйиш, хизмат вазифасини суистъемол қилиш, фирибгарлик қилиш, ўз ваколатидан четга чиқиш ёки хизмат совуққонлигига йўл қўйиш орқали зарар етказиш ҳолларида жиноий жавобгарликка тортиш масаласини ҳал қилиш учун иш берувчи (корхона раҳбари ёки ўзга мутасадди шахслар) бу ҳақдаги материалларни белгиланган муддат ва тартибда ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларига топшириши, хабар бериши лозим². Корхона мол-мулкига қасддан

¹ Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами. 2004 й., № 26, 312-модда.

² Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2004 йил 24 майдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар учун жазони эркинлаштириш тўғрисидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори. Ўзбекистон Олий Суди Ахборотномаси. 2004 й., № 4, 34-б.

зарар етказиш интизомий ножўя ҳаракат саналади ва айбдор ходимга интизомий жазо қўлланилишига (корхона ички меҳнат тартиби қоидаларига назарда тутилган ҳолларда меҳнат вазифаларини бир марта бўлсада кўпол бузиш деб баҳоланишига ва битта ана шундай хатти-ҳаракат учун меҳнат шартномаси иш берувчи ташаббуси билан бекор қилинишига), бундан ташқари ходимни мукофот, устама ҳақ ва бошқа имтиёزلардан тўла ёки қисман маҳрум қилинишига, унга нисбатан жамоат таъсир чоралари қўлланилишига сабаб бўлиши мумкин.

Корхона мулкига қасдан зарар етказган ходимнинг маъмурий жавобгарликка тортилиши ва унга жарима жазоси қўлланилиши, унга нисбатан интизомий тарзда жарима солиниши (МКнинг 181-моддаси 2-банди), уни мукофотдан маҳрум этилиши каби ҳолатлар ходимдан зарарни ундириб олишига тўсқинлик қилмайди.

Жиноят содир этиш туфайли қасдан зарар етказилганида зарарни аниқлаш ва қоплаш масалалари жиноят қонунчилиги билан ҳам тартибга

Ходим томонидан корхона мол-мулки ва ўзга мулкый манфаатларига маст ҳолда зарар етказилиши зарар етказилишидаги унинг айби шаклидан (эҳтиётсизлик ёки қасд) қатъи назар унга тўлиқ ҳамда моддий жавобгарлик юклатилишига олиб келади.

Қонун “Мастлик ҳолати” тушунчаси таърифини аниқ равшан назарда тутмайди. Умуман олганда шахс аҳволи, ориентация қилиш қобилияти қанчалик сақланиб қолганига кўра тиббий кўрик натижасида биринчи даражали, иккинчи ва учинчи даражали мастлик ҳолатлари фарқланади. Аммо, ходимга моддий жавобгарлик юклаш чоғида мастлик даражасининг (енгил мастлик ёки хушёрликни йўқотиш) аҳамияти йўқ. Ходимнинг мастлик ҳолатига тушишига сабаб бўлган спиртли ичимлик турининг ҳам (ароқ, вино, спирт ёки бошқа спиртли ичимлик), унинг қувватининг ҳам унчалик аҳамияти йўқ.

Гиёҳванд модда истеъмол қилган ва сархуш ҳолда бўлган ходим ҳам ана шу аҳволда корхонага етказган моддий зарарни тўлиқ қоплайди.

Гиёҳвандлик (наркотик) воситалари - гиёҳвандлик воситалари рўйхатига киритилган ва Ўзбекистон Республикасида назоратга олинган, келиб чиқиши синтетик ёки табиий моддалар, таркибида гиёҳвандлик моддаси бўлган препаратлар ва ўсимликлар. Психотроп моддалар, прокурсорлар, уларнинг аналоглари ёки препаратларини истеъмол қилиш оқибатидаги сархушлик натижасида етказилган моддий зарар учун ҳам ходим тўлиқ моддий жавобгар бўлади. (булар ҳақида батафсил қаранг: 1) Ўзбекистон Республикасининг 1999 йил 19 августдаги “Гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги қонуни. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 9-сонли, 210-модда);

2) Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 2000 йил 22 декабрдаги “Жиноят учун жазо тайинлаш чоғидаги айрим масалалар юзасидан суд амалиёти тўғрисида”ги 31-сонли қарори.

Ходимнинг мастлик ҳолатига тушишига сабаб бўлувчи токсик моддалар жумласига маиший турмушда кенг қўланиладиган кайф беридаган ва уларга боғланиб қолишга олиб келиши мумкин бўлган, миллий ҳамда ҳалқаро қонунчиликка кўра наркотик ёхуд психотроп моддалар жумласига киритилмаган турли-туман воситалар (дори-дармонлар, ўсимликлар, атир, бензин, ацетон ва бошқа ашёлар) киритилиши мумкин. Бундай воситалар, ишлаб чиқариш жараёнида ҳам, даволаш мақсадларида ҳам ишлатилиши мумкин. Ходимнинг маст ҳолда эканлиги тиббий текширув орқали ёки гувоҳлар иштирокида тузилган баённома билан исботланиши мумкин.

Мастлик ҳолатида зарар етказган ходимга тўлиқ моддий жавобгарлик юклаш чоғида зарар етказилиши ҳолати эътиборга олинмоғи лозим.

Маст ҳолдаги ходим ва хушёр ходим томонидан эҳтиётсизлик туфайли биргаликда зарар етказилганида маст ҳолда бўлмаган ходим чекланган моддий жавобгарликка тортилади.

Жиноят содир этиш (қасдан ёки эҳтиётсизликдан) туфайли ходим томонидан корхонага етказилган зарар ундан тўлиқ ундириб олинади.

Бунда ходимнинг корхонага моддий зарар етказилишига олиб келган жиноий ҳуққатвори суднинг унга нисбатан чиқарган ва қонуний кучга кирган айблов ҳукми билан тасдиқланган бўлмоғи лозим. Айблов ҳукмида ходимга тайинланган жиноий жазо тури, оғирлигининг ёки озод қилинганлигининг уни тўлиқ моддий жавобгарликка тортилишида аҳамияти йўқ ва бундай ҳолатлар тўлиқ моддий жавобгарликка тўсқинлик қилмайди.

Амалиётда амнистия акти чиқарилиши туфайли суриштирув ёки дастлабки тергов жараёнида (жиноятчи иши судга оширилмасдан туриб) жиноятчи ишини ҳаракатдан ётқизиш ва шахсни жиноий жавобгарликдан озод қилиш чоғида ходим етказган зарарни ундирилиши билан боғлиқ муаммо юзага келди ва бундай ҳолда МКнинг 202-моддаси, 5-бандини қўллаш мумкин ёки мумкин эмаслиги мавҳум бўлиб қолди.

Бизнинг назаримизда бундай ҳолда ходимни жиноят содир этганлиги учун тўлиқ моддий жавобгар қилиш мумкин эмас. Чунки 202-модданинг 5-банди бундай тўлиқ моддий жавобгарлик юклаш асоси сифатида фақат суднинг қонуний кучга кирган айблов ҳукминигина асос қилиб кўрсатган ва ушбу асос бўлмасдан туриб ходимни 202-моддаси, 5-бандига кўра тўлиқ моддий жавобгарликка тортиш қонунни асоссиз тарзда кенгайтириб шарҳлаш ва қўллаш саналади.

Бундай ҳолда масала меҳнат қонунчилигининг умумий қоидаларига кўра (яъни қасддан содир этилган жиноятлар бўйича тўлиқ, эҳтиётсизликдан содир этилган жиноятлар бўйича эса, бошқа асос бўлмаса, чекланган) моддий жавобгарлик юклатмоғи керак.

Суд томонидан амнистия акти қўлланилиши асосида шахсни жазодан озод қилиниши чоғида моддий жавобгарлик масаласида муаммо бўлмаслиги лозим, чунки ходимни амнистия қўлланишига эътироз билдирмаганлигининг ўзи содир этган жиноятини тўла тан олганлигини англатади.

Жиноят содир қилиш туфайли корхона мол-мулкига зарар етказган ходим дастлабки тергов ёки суд жараёнида муомалага лаёқатсиз бўлиб қолса ёки вафот этса, суднинг айблов ҳукмига кўра зарар унинг мол-мулкидан ундирилиши мумкин. (Бу ҳақда батафсил қаранг: Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрдаги “Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида”ги 21-сонли, 2004 й. 21 майдаги “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятчилар учун жазони эркинлаштириш тўғрисидаги қонунни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги 4-сонли қарори ва бошқалар).

Ходим корхона, ташкилотнинг тижорат сириларни қасддан ёки эҳтиётсизликдан содир этгани туфайли юз берган зарарни иш берувчига тўлиқ қоплаши лозим.

Тижорат сири деганда учинчи шахсларга маълум бўлмаган техникавий, ташкилий ёки тижорат ахборотлари (ишлаб чиқариш сирлари, ноу-хау, молиявий-иқтисодий маълумотлар, шартномавий алоқалар схемалари, хомашё ёки бошқа моддий техникавий воситаларнинг манбаалари ва бошқалар), ошкор этилиши иш берувчига (корхона мулкдорига) мулквий, маънавий зара етказиши мумкин бўлган бошқа маълумотлар назарда тутилади.

Тижорат сири бўлиб, фойдаланилиши унинг мулкдори, яъни ўз маблағларига ёки бошқа қонуний воситалар билан уларни сотиб олган, яратган, қўлга киритган шахс томонидан чеклаб қўйилган ҳар қандай маълумотлар (шахслар, предметлар, фактлар, воқеалар, жараёнлар тўғрисидаги ахборотлар) ҳисобланиши мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 98-моддасига мувофиқ: “Фуқаролик қонун ҳужжатлари хизмат ёки тижорат сири бўлган ахборотни, башарти бу ахборот учинчи шахсларга номаълумлиги сабабли ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган, қонун йўли билан ундан эркин баҳраманд бўлиши мумкин бўлмаган ҳамда ахборотни эгаси унинг махфийлигини сақлашга доир чоралар кўрган ҳолларда ҳимоя этилади”. Корхона ёки ташкилот ҳамма билиши лозим бўлган маълумотларни (масалан: маҳсулот сифатига оид, бўш иш жойларига тааллуқли ва

бошқалар) тижорат сири деб эълон қилиши мумкин эмас ва бундай хатти-ҳаракатлар Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабридаги “Ахборот эркинлиги ва кафолатлари тўғрисида”ги қонунга зид келади.

Фуқаролик кодексининг 98-моддаси мазмунига кўра ахборот ва бошқа маълумотлар тижорат ёки ишлаб чиқариш сири ҳисобланиши ҳамда ҳуқуқий муҳофаза қилиниши учун қуйидаги талабларга жавоб бериши лозим:

- учинчи шахсларга маълум бўлмаган бўлиши;
- ҳақиқий ёки нисбий тижорат қимматига эга бўлган ахборот бўлиши;
- ахборот эгаси (мулкдори) ундан барчанинг фойдаланишини хоҳламаслиги;
- ахборот эгаси томонидан уни сир сақланишини таъминлашга қаратилган зарур ташкилий чора тадбирлар кўрилган бўлиши керак.

Фуқаролик кодексининг 1096-моддасига кўра: ошкор этилмаган ахборотни қонуний асоси бўлмай туриб, олган ёки тарқатган ёхуд ундан фойдаланаётган шахс бу ахборотга қонунан эга бўлиб турган шахсга ахборотга ноқонуний фойдаланганлик натижасида етказилган зарарни тўлаши шарт.

Тижорат (ишлаб чиқариш) сири саналувчи ахборотларни ошкор этганлик учун ҳуқуқий жавобгарликнинг барча турлари бўйича жавобгарлик юз бериши мумкин.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 155-моддасида ахборотларни ноқонуний ошкор этганлик, фойдаланганлик учун маъмурий жавобгарлик белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 191-моддасида сир тугиладиган фан-техника, ишлаб-чиқариш, иқтисодиёт, савдога оид ёки бошқа шу каби ахборотни эгасининг розилигисиз ошкор қилиш ёки ундан ноқонуний фойдаланганлик учун жиноий жавобгарлик назарда тутилган.

Иш берувчи томонидан ўзига топширилган хизматларга оид ахборотларни ошкор этилишига йўл қўйиш интизомий ножўя ҳаракат саналади ҳамда айбдор ходимнинг интизомий жавобгарлигига сабаб бўлади.

Ўзи меҳнат муносабатида бўлиб турган корхона, муассаса ёки ташкилотнинг тижорат сири ҳисобланувчи ахборотларни қасдан ёки эҳтиётсизлик оқибатида ошкор этилишида айбдор бўлган ходим ана шундай хатти-ҳаракат натижасида етказилган моддий зарарни иш берувчига тўлиқ қоплаб бериши лозим. Бироқ, ходимга ушбу асосга кўра тўлиқ моддий жавобгарлик юклаш учун қуйидагилар таъминланмоғи лозим:

- а) ошкор этилган ахборот тижорат сири саналиши;
- б) уни ўзга шахслардан муҳофазалашнинг махсус чоралари (махфийлигини таъминлаш тадбирлари) олдиндан кўрилган бўлиши;

в) ходим билан меҳнат шартномаси тузилиши чоғида ёки ана шундай лавозим (вазифа)га ўтказилаётганида иш фаолияти тижорат сирлари билан боғлиқ эканлиги ва уларни ошкор этганлик учун жавобгар бўлиши (шу жумладан тўлиқ моддий жавобгар бўлиши) ҳақида огоҳлантирилган ва ёзма тилхат олинган бўлиши;

г) тижорат сири саналувчи ахборот ошкор этилиши натижасида реал зарар етказилган ва унинг ҳажмини аниқлаш мумкинлиги.

Тижорат сирларини ошкор этганлик туфайли зарар етказилганлиги, бунда ходимнинг айбдорлиги ва зарар миқдори иш берувчи томонидан исботланмоғи лозим.

Тижорат сири саналмайдиган ва махсус муҳофаза қилинмайдиган ахборотларни ошкор этганлик учун моддий жавобгарликка тортилиши мумкин эмас.

Башарти банк муассасаларида банк мижозига ва банкка оид ахборотларни ошкор этилиш ва унинг оқибатлари билан боғлиқ бўлган масалалар Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 30 августдаги “Банк сири тўғрисида”ги қонунида (қаранг: Ўзбекистон Республикасининг Қонун ҳужжатлари тўплами. 2003 й., № 32-33., 174-модда) назарда тутилган.

Ходимлар қонунларда ёки бошқа қонуности ҳужжатларида бевосита назарда тутилган ҳолларда ҳам ўз хатти-ҳаракатлари (эҳтиётсизлик, бепарволик оқибатидаги) туфайли иш берувчига етказган зарарлари учун тўлиқ моддий жавобгар бўладилар.

3.3. Меҳнат муносабатларида иш берувчининг жавобгарлигини белгилашнинг назарий ва амалий муаммолари

Мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат куриш ва фуқаролик жамиятини ривожлантиришга қаратилган кенг кўламдаги ислохотлар олиб борилмоқда. Ушбу ислохотларнинг асосий мақсадларидан бири давлат ва жамият ҳаётини демократлаштириш ва модернизациялашнинг ҳуқуқий асосларини яратиб бериш, унинг ҳуқуқий механизмларини кўрсатиб беришдан иборатдир. Давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, юртимизда қабул қилинган ва қабул қилинаётган қонунлар ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар, умуман, бугун бизнинг амалий ҳаётимизда қилаётган барча-барча ишларимиз мамлакатимизни ривожлантириш ва модернизация қилиш суръатларини қай даражада жадал таъминлаб бераётгани, бизни ўз олдимизга қўйган бош мақсадимизга, яъни Ўзбекистоннинг дунёдаги ривожланган демократик давлатлар қаторидан жой

олишидек буюк мақсадга қанчалик яқинлаштираётганини англаш ва баҳолаш биз учун, айниқса, муҳимдир¹.

Шу ўринда республикамызда олиб борилаётган иқтисодий ва суд-ҳуқуқ соҳаларидаги ислохотлар ўз олдимишга қўйган мақсадга эришишда муҳим ўрин эгаллайди. Хусусан, хўжалик юритувчи субъектларнинг, айниқса, хусусий мулк эгаларининг манфаатларини ҳимоя қилиш муҳим вазифа сифатида белгилаб олинган. Амалга оширилаётган ислохотларнинг дастлабки босқичларида хўжалик юритувчи субъектлар раҳбарларининг боқимандалик кайфияти, масъулиятсизлиги ва ташаббуссизлиги, шартнома мажбуриятларининг бузилиши корхоналарнинг иқтисодий ночорликка ва банкротликка олиб келаётганлиги давлатимиз раҳбари томонидан қаттиқ танқид остига олинган эди. Бундай салбий ҳолатлар, яъни корхона ва ташкилотларнинг иқтисодий ночорлиги учун хўжалик юритувчи субъектлар мансабдор шахсларининг масъулиятини кучайтириш мақсадида бир қатор норматив ҳужжатлар қабул қилинди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1998 йил 4 мартдаги “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги Фармони², Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида” 1998 йил 4 мартдаги ПФ-1938-сон Фармонининг бажарилишини таъминлаш чора-тадбирлари ҳақида”ги қарори³ каби муҳим ҳужжатлар шулар жумласидандир. Ушбу норматив ҳужжатларда Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар хўжалик судларига хўжалик юритувчи субъектга етказилган мулкый зарарни айбдор мансабдор шахслардан ундириш масаласини кўриб чиқиш вазифаси белгилаб қўйилди.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг 1998 йил 1 майда қабул қилинган Қонуни⁴ асосида Меҳнат кодексининг 269-моддасига, 2000 йил 15 декабрь Қонуни⁵ билан Фуқаролик кодексининг 990, 991-моддаларига мансабдор шахслар томонидан етказилган зарарни тўлашнинг моддий ва процессуал тартибига доир бир қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

¹ Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. -Т.:Ўзбекистон, 2012. <http://www.press-servise.uz> (Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати)

² Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил, 3-сон, 43-модда.

³ Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати қарорларининг тўплами. 1998 йил, 4-сон, 17-модда.

⁴ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 1998 йил, 5-6-сон, 102-модда.

⁵ Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси. 2001 йил, 1-2-сон, 23-модда.

3-қисми “Мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари, агар мансабдор шахслар етказган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш пайтида аниқланган бўлса, хўжалик суди томонидан ҳам кўриб чиқилади” деган янги қоида билан тўлдирилди¹. Ушбу қоида ўзига хос янгилик бўлиб, судлар томонидан меҳнат низоларини кўриш вақтида қонунийликни таъминлаш ва мансабдор шахсларнинг масъулиятини ошириш мақсадида корхонага унинг раҳбари томонидан етказилган зарарни ундиришнинг ўзига хос процессуал хусусиятларини тадқиқ этиш бугун муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Хўжалик процессуал кодексининг

23-

моддасига мувофиқ меҳнат низолари хўжалик судларида кўриш учун тааллуқли эмас. Айни вақтда мазкур модданинг 1-қисми 4-бандида кўрсатилганидек, иштирокчилар ўртасида, иштирокчилар билан хўжалик ширкатлари ва жамиятлари ўртасида, шу жумладан акциядорлар ўртасида, акциядор билан акциядорлик жамияти ўртасида хўжалик ширкатлари ва жамиятлари фаолиятдан келиб чиқадиган низоларга доир ишлар хўжалик судларида кўриш учун тааллуқли бўлиб, бундан меҳнатга оид низоларнинг мустасно эканлиги белгилаб қўйилган. Бироқ ХПК 23-моддасининг 2-қисмида қайд этилганидек, Қонун билан хўжалик судига тааллуқли ишлар жумласига бошқа ишлар ҳам киритилиши мумкин. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 269-моддаси мазмунан ХПКнинг 23-моддасига зид эмас. Аммо шуни таъкидлаш лозимки, мансабдор шахслар томонидан иш берувчига етказилган моддий зарарни тўлаш тўғрисидаги меҳнат низолари бўйича иш берувчи хўжалик судига мустақил талаб билан даъво тартибида мурожаат қилишга ҳақли эмас. Фақатгина хўжалик судлари бошқа низоларни кўриш вақтида иш берувчи бўлган корхона, ташкилот ва муассаса ўз мансабдор шахсларига нисбатан етказилган зарар хўжалик низосини кўриб чиқиш пайтида аниқланган ва улар бундай зарарни қоплашни талаб қилган бўлса хўжалик суди томонидан кўриб чиқилади. Бундай ҳолатларда меҳнат низоларини кўришга тааллуқлик тўғрисидаги қоидаларни татбиқ этиш масаласида номувофиқлик бор. Чунки, тааллуқлилиқ қоидаларига кўра иш қайси ташкилотга тегишли бўлса, шу ташкилот томонидан кўрилиши лозим. Мазкур ҳолатда эса меҳнат низолари хўжалик ишлари бўйича қўзғатилган ва кўрилаётган ишда ҳал қилиниши мумкин бўлган масалани ташкил қилади.

Меҳнат қонунчилигини бузганлик учун мансабдор шахсларнинг моддий жавобгарлиги билан боғлиқ ишларни судда кўришнинг ўзига хос хусусиятлари

¹ Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. –Т.: Адолат, 2011. –Б.125.

процессуалист олим М.М.Мамасиддиқов томонидан тадқиқ этилган. Тадқиқотчи ўз асарларида мазкур туркумдаги низоли ишларни кўриш ва ҳал қилиш учун белгиланган процессуал хусусиятлар процессуал ҳуқуқ нормаси(ФПК) ҳамда моддий ҳуқуқ нормалари (МК)да ифодасини топганлигини таъкидлайди. Хусусан, МКнинг 274-моддаси, ФПКнинг 259-моддаларига мувофиқ меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилинган ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказилган ходимларни аввалги ишига тиклаш тўғрисидаги ишлар бўйича суд ўз ташаббуси билан меҳнат шартномасини бекор қилишга ёки бошқа ишга ўтказишга фармойиш берган мансабдор шахсни учинчи шахс сифатида ишда иштирок этиш учун жавобгар томонига жалб қилиши шартлиги белгиланган деб қайд этади¹.

Хўжалик ишларини кўриш мобайнида иш берувчига мансабдор шахс томонидан етказилган моддий зарарни ундиришни ҳал қилишда судлар Ўзбекистон Республикаси Хўжалик-процессуал кодексининг 42-моддасида мувофиқ мустақил талаблар билан арз қилмайдиган учинчи шахс сифатида корхона раҳбарларини ишга жалб қилади. Учинчи шахслар ишда иштирок этувчи шахсларнинг илтимосномаси билан ёки суднинг ташаббуси билан ҳам ишда иштирок этишга жалб қилиниши мумкин. Низонинг предметиға нисбатан мустақил талаб билан арз қилмайдиган учинчи шахслар тарафнинг ҳуқуқларидан фойдаланадилар ва процессуал мажбуриятларини бажарадилар, даъвонинг асоси ёки предметини ўзгартириш, даъво талабининг миқдорини кўпайтириш ёки камайтириш, шунингдек даъводан воз кечиш, даъвони тан олиш ёки келишув битими тузиш, суд ҳужжатининг мажбурий тарзда бажарилишини талаб қилиш ҳуқуқи бундан мустасно.

Энг муҳими, мазкур моддада хўжалик суди бир жараёнда дастлабки даъвони кўриб чиқишга ва мансабдор шахс томонидан ташкилотга етказилган зарарни ундан ундириш масаласини регресс тартибда ҳал этишга ҳақли эканлиги кўрсатиб қўйилган.

Корхона раҳбари меҳнат муносабатларида ўз мажбуриятларини лозим даражада бажармасликлари натижасида айбли ва ҳуқуққа хилоф тарзда етказган зарар учун моддий жавобгар бўлади. Ходимни ғайриқонуний ишдан бўшатиш, ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказиш, ғайриқонуний равишда ишдан четлатиш, меҳнат дафтarchасини ўз вақтида тақдим этмаслик, ишга тиклаш тўғрисидаги суд қарорини бажармаслик каби ходимни меҳнат қилиш ҳуқуқидан ғайриқонуний равишда маҳрум этганлик, шунингдек ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарнинг суғурта билан қопланмаган қисмини, ходимнинг

¹ Мамасиддиқов М.М.Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари.-Тошкент:АҚҲМИ нашриёти, 2008. –Б.116.

мол-мулкига етказилган зарарни қоплаш учун иш берувчи томонидан қилинган харажатларни қоплаши лозим бўлади.

Маълумки, ФПКнинг 259-моддасида учинчи шахс сифатида жалб этилган мансабдор шахсдан ундириладиган сумманинг миқдори меҳнат ҳақидаги қонун ҳужжатларига биноан белгиланади. Мансабдор шахснинг етказилган зарарни қоплаш тўғрисида ишни кўриб чиқишда хўжалик судлари иш берувчининг ваколатли органи зарарнинг келиб чиқиш сабаблари ва миқдорини белгилаш учун текширув ўтказганлиги ҳақидаги далолатномалар, аудиторлик текшируви, давлат корхоналари раҳбарларига нисбатан эса бухгалтерия ҳисоби, мулкни баҳолаш соҳасидаги мутахассислар жалб қилинган ҳолда ўтказиладиган хизмат текширувлари натижалари асосида тайёрланган ҳужжатларни текшириши лозим бўлади.

Мансабдор шахслар томонидан етказилган зарар ихтиёрий равишда тўланади ёки унинг иш ҳақидан ушлаб қолишга қаратилади. Бироқ ушбу ҳолларда бошқа ходимларники каби жавобгарлик ҳақида қарор қабул қилмайди, зарарни қоплаш ваколатли органнинг (мулкдорлар вакили, меҳнат шартномасининг тарафи) ёхуд суд қарори асосида амалга оширилади. МКнинг 274-моддасида мансабдор шахсдан ундириладиган сумманинг миқдори кўрсатилган бўлиб, унга кўра етказилган зарар ўрнини қоплаш учун тўланадиган ҳақ миқдори мансабдор шахснинг уч ойлик маошидан ортиб кетмаслиги керак. М.М.Мамасиддиқовнинг фикрича, ходим билан тузилган меҳнат шартномасини ғайриқонуний равишда бекор қилиш ёки ходимни ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказишда айбдор бўлган мансабдор шахсга ана шу ходимга иш ҳақи тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар ўрнини тўлалигича қоплаш мажбуриятини юклаш лозим. Хусусан, Россия Федерацияси ва Беларусь Республикаси меҳнат қонунчилигида мансабдор шахсларнинг иш берувчига етказилган зарар учун чекланган жавобгарлиги бекор қилинган¹.

Корхона раҳбари учун тўлиқ моддий жавобгарликнинг белгиланиши бозор иқтисодиёти шароитида корхона раҳбари фаолиятининг ўзига хос хусусияти билан белгиланади ва кўпчилик мутахассислар эътироф этганларидек тўлиқ ўзини оқлайди. Рус олимлари Л.А.Сыроватская, В.В.Глазыринлар корхона раҳбарлари нафақат иш берувчига ҳақиқий етказилган зарарни, балки бой берилган фойдани ҳам қоплаш ҳақидаги қоидаларни меҳнат қонунчилигига киритишни таклиф қиладилар².

¹ Мамасиддиқов М.М. Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари. - Тошкент: АҚҲМИ нашриёти, 2008. - Б.118.

² Сергеев Ю.С. Правовое положение руководителя организации в отношениях, регулируемых нормами трудового права. Дисс... канд. юрид. наук. - М., 2007. 107-108 с.

Таъкидлаш лозимки, М.М.Мамасиддиқов, Л.А.Сыроватская, В.В.Глазыринларнинг фикрлари асосли ҳисобланади. Шунингдек, иш берувчига зарар етказиш фақат МКнинг 274-моддаси 1-қисмида белгиланганидек, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилганлик ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказганлик учун эмас, балки меҳнат қонунчилигини бузганлик учун корхона мансабдор шахсларининг чекланган жавобгарлигини бекор қилиш ва зарарни тўлиқ ҳажмда ундириш ҳақидаги янги қоидалар билан ўзгартирилиши лозим. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 274-моддаси қуйидаги мазмунда янги таҳрирда таклиф қилинади:

“274-модда. Меҳнат қонун ҳужжатларини бузганлик учун айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига моддий жавобгарлик юклаш

Суд ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига ана шу ходимга иш ҳақи ва қўшимча тўловлар тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклайди.

Ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши натижасида иш берувчи томонидан қилинган харажатлар айбдор мансабдор шахслардан томонидан тўлиқ қопланиши лозим”.

III боб бўйича хулоса

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 274-моддаси қуйидаги мазмунда янги таҳрирда таклиф қилинади:

“274-модда. Меҳнат қонун ҳужжатларини бузганлик учун айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига моддий жавобгарлик юклаш

Суд ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига ана шу ходимга иш ҳақи ва қўшимча тўловлар тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклайди.

Ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши натижасида иш берувчи томонидан қилинган харажатлар айбдор мансабдор шахслардан томонидан тўлиқ қопланиши лозим”.

ХУЛОСА

Меҳнат муносабатларида юридик жавобгарликнинг назарий ва амалий масалаларини тадқиқ этиш жараёнида қуйидаги таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди:

1. Ҳуқуқ назарияси ва фуқаролик ҳуқуқи соҳасида моддий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг мустақил тури эканлиги эътироф этилмайди. Айниқса цивилистикада моддий жавобгарликка фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликнинг таркибий қисми сифатида қаралади. Фикримизча, моддий жавобгарлик юридик жавобгарликнинг мустақил

турини ташкил қилиши лозим. Зеро, моддий жавобгарлик фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарликдан қуйидаги ўзига хос жиҳатлари билан ажралиб туради:

- моддий жавобгарлик фақатгина ходим ва иш берувчи ўртасидаги шартномавий муносабатлардан келиб чиқади;

- моддий жавобгарликнинг мақсади фақатгина бузилган ҳуқуқни қисман ёки тўлиқ тиклашга қаратилади ва ҳуқуқбузарга қўшимча мулкӣ мажбурият юкламайди;

- моддий жавобгарлик миқдориға нисбатан етказилган зарарнинг миқдори ва ҳажмидан қатъи назар муайян чегара белгиланган бўлади. Мисол учун чекланган ва тўлиқ моддий жавобгарлик.

2. Интизомий ва моддий жавобгарликнинг вужудға келиш асослари бир-биридан фарқ қилади. Интизомий жавобгарлик асосан формал жавобгарлик ҳисобланиб, унинг учун келиб чиққан оқибат муҳим эмас, балки меҳнат қонун ҳужжатлари билан қўриқланадиган муносабатларнинг бузилиши етарлидир. Яъни, интизомий жавобгарликнинг вужудға келиш асоси – бу ҳуқуқбузарликдир. Бу жиҳатдан у маъмурий ва жиноий жавобгарликка ўхшаб кетади. Моддий жавобгарликнинг вужудға келиш асосида – зарарнинг мавжудлиги ётади. Зеро, ҳуқуққа хилоф ҳаракат содир бўлса ҳам зарар мавжуд эмас экан, моддий жавобгарлик бўлиши мумкин эмас.

3. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексида меҳнат интизومي, меҳнат тартиби, ички меҳнат тартиби қоидалари каби тушунчалар ишлатилсада, уларнинг таърифи мавжуд эмас. Шу нуқтаи назардан ушбу тушунчаларға нисбатан қуйидаги муаллифлик таърифлари ишлаб чиқилди:

• **Меҳнат интизومي** – барча ходимлар учун бўйсунити мажбур бўлган ахлоқ қоидаларидан иборат бўлиб, улар мазкур Кодекс, қонунлар, жамоа шартномаси ва келишувлари, бошқа локал ҳужжатлар ҳамда меҳнат шартномаси билан белгиланади.

• **Меҳнат тартиби** – ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланади хатти-ҳаракатлар мажмуидир.

• **Ички меҳнат тартиби қоидалари** – мазкур Кодексға ва бошқа қонунларға мувофиқ ишлаб чиқилган локал норматив ҳужжат бўлиб, унда ишға қабул қилиш ва бўшатиш тартиби, меҳнат шартномаис тарафларининг асосий ҳуқуқлари, мажбуриятлари ва жавобгарлиги, иш режими, дам олиш вақти, ходимларға қўлланиладиган рағбатлантириш ва жазо чоралари, шунингдек иш берувчидаги меҳнат муносабатларини тартибға солинадиган бошқа масалалар киритилади.

4. Интизомға хилоф ҳаракат содир этилганда ходимни интизомий жавобгарликка тортиш масаласи мутлақ иш берувчиға тегишлидир. Интизомий жавобгарликка тортиш жиноий ва маъмурий жавобгарликка тортишдан “жавобгарликнинг муқаррарлиги”

принципи қўлланилмаслиги бўйича фарқ қилади. Зеро, интизомга хилоф ҳаракат ижтимоий хавфли ҳисобланмай, асосан корхонанинг ички тартибини бузишга қаратилган бўлади. Бироқ меҳнат ҳукуқи назариясида ва меҳнат тўғрисидаги қонун ҳужжатларида интизомга хилоф ҳаракат ёки ҳаракатсизлик содир этилганда интизомий жавобгарликка тортиш масаласи мутлақо иш берувчига тааллуқли эканлиги ҳақидаги тушунчалар ва нормалар тақчиллиги мавжуд. Шунинг эътиборга олиб, иш берувчининг ходимни интизомий жавобгарликка тортиш бўйича ваколатлари меҳнат қонунчилигида аниқ белгилаб қўйилиши лозим.

5. Гарчи меҳнат қонунчилигида интизомий ва моддий жавобгарликка тортиш муддатлари аниқ белгиланган бўлсада, қўлланилган жазо чораларини ижро этиш тартиби ва муддатига оид аниқ оидалар мавжуд эмас. Шу сабабли интизомий жазо чоралари ҳамда зарарни қоплашга оид таъсир чоралари уларни қўллаш ҳақида иш берувчининг буйруғи чиққан кундан бошлаб беш кун ичида ижро этилиши ҳақидаги қоида киритилиши лозим. Иш берувчи томонидан бир йил ичида ижро этилмаган жазо ва бошқа зарарни қоплашга чоралар кейинчалик ходимнинг жавобгарлигини истисно этади.

6. Иш берувчига зарар етказиш фақат МКнинг 274-моддаси 1-қисмида белгиланганидек, меҳнат шартномаси ғайриқонуний равишда бекор қилганлик ёки ғайриқонуний равишда бошқа ишга ўтказганлик учун эмас, балки меҳнат қонунчилигини бузганлик учун корхона мансабдор шахсларининг чекланган жавобгарлигини бекор қилиш ва зарарни тўлиқ ҳажмда ундириш ҳақидаги янги қоидалар билан тўлдирилиши лозим. Шу нуқтаи назардан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 274-моддаси қуйидаги мазмунда янги таҳрирда таклиф қилинади:

“274-модда. Меҳнат қонун ҳужжатларини бузганлик учун айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига моддий жавобгарлик юклаш

Суд ходимнинг меҳнат ҳуқуқларини бузишда айбдор бўлган мансабдор шахс зиммасига ана шу ходимга иш ҳақи ва қўшимча тўловлар тўланиши муносабати билан иш берувчига етказилган зарар ўрнини қоплаш мажбуриятини юклайди. Бунда ходимнинг меҳнат ҳуқуқлари бузилиши натижасида иш берувчи томонидан қилинган харажатлар айбдор мансабдор шахслардан томонидан тўлиқ қопланиши лозим”.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси корхона раҳбарини интизомий жавобгарликка тортишни белгиловчи қуйидаги янги модда билан тўлдирилиши лозим:

“195-модда. Корхона раҳбари ва унинг ўринбосарларини интизомий жавобгарликка тортиш

Иш берувчи ходимлар вакиллик органининг корхона раҳбари, унинг ўринбосарлари томонидан меҳнат тўғрисидаги қонунлар ва бошқа норматив ҳужжатлар,

жамоа шартномаси ва келишувлари шартларини бузиш тўғрисидаги аризасини кўриб чиқиш ҳамда ходимлар вакиллик органига кўриб чиқиш натижалари ҳақида хабар қилишлари шарт.

Ҳуқуқ бузиш факти аниқланган тақдирда иш берувчи корхона раҳбари, унинг ўринбосарларига ишдан бўшатишгача бўлган интизомий жазо чораларини қўллашга мажбурдир”.

8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 181-моддасида назарда тутилган интизомий жазо чоралари эркин иқтисодий муносабатлар шароитида ходимнинг манфаати учун тўла мос эмас. Чунки, бу ерда асосий масала иқтисодий характерга эга бўлган жарима жазосининг қўлланилиши ҳақида бормоқда. Фикримизча, жарима жазоси интизомий жазо чоралари тизимидан чиқариб ташланиши лозим. Чунки, ходимнинг ишлашдан асосий мақсади иш ҳақи олишдан иборат бўлади, жарима жазоси эса унинг ўртача ойлик иш ҳақининг эллик фоизигача бўлган миқдорни санкция сифатида ушлаб қолишга имкон беради. Мазкур жазо турини чиқариб ташлаш эвазига иқтисодий аҳамиятга эга бўлмаган жазо – огоҳлантиришни киритиш мақсадга мувофиқдир.

9. Интизомий жазо қўллашда ходимнинг тушунтириш беришдан бош тортиш фактини расмийлаштириш тартиби ҳақидаги қоида 182-модданинг 2-қисмида бўшлиқ сифатида қолган, бу ҳақда қуйидаги қоида киритилиши лозим: “Ходим 2 кун ичида тушунтириш хати бермаган ёки уни беришдан бош тортган тақдирда бу ҳақда далолатнома тузилади”.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

I. Раҳбарий адабиётлар:

1. Каримов И.А. Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари. –Т.:Ўзбекистон, 2009.
2. Каримов И.А. Бизнинг йўлимиз – демократик ислохотларни чуқурлаштириш ва модернизация жараёнларини изчил давом эттириш йўлидир. –Т.:Ўзбекистон, 2011.

3. Каримов И.А. Инсон манфаати, ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш, ҳаётимизнинг янада эркин ва обод бўлишига эришиш – бизнинг бош мақсадимиздир. –Т.: Ўзбекистон, 2012.
4. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – кенг қўламли ислоҳотлар ва модернизация йўлини қатъият билан давом эттириш. –Т.: Ўзбекистон, 2013.
5. Каримов И.А. 2014 йил юқори ўсиш суръатлари билан ривожланиш, барча мавжуд имкониятларни сафарбар этиш, ўзини оқлаган ислоҳотлар стратегиясини изчил давом эттириш йили бўлади. –Т.: Ўзбекистон, 2014.
6. Каримов И.А. Асосий вазифамиз – жамиятимизни ислоҳ этиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга кўтаришдан иборат. Халқ сўзи, 2015 йил 6 декабрь. №236(6419).
7. Каримов И.А. Бош мақсадимиз – мавжуд қийинчиликларга қарамасдан, олиб бораётган ислоҳотларни, иқтисодий ҳаётимизда таркибий ўзгаришларни изчил давом эттириш, хусусий мулкчилик, кичик бизнес ва тадбиркорликка янада кенг йўл очиб бериш ҳисобидан олдинга юришдир. Қишлоқ ҳаёти, 2016 йил 16 январь. №7(8558).

II. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар:

1. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. – Тошкент: Ўзбекистон, 2016.
2. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодекси. – Тошкент: Адолат, 2015.
3. Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси. – Тошкент: Адолат, 2015.
4. Ўзбекистон Республикасининг қонуни “Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида” ги 1993 йил 6 май Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 й., 5-сон, 223-модда.
5. Ўзбекистон Республикасининг “Давлат мукофотлари тўғрисида” ги 1995 йил 22 декабрь Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 й., 12-сон, 266-модда.
6. Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида” 1996 йил 29 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 й., 9-сон, 128-модда.
7. Ўзбекистон Республикасининг “Темир йўл транспорти тўғрисида” ги 1999 йил 15 апрель Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1999 й., 5-сон, 118-модда.
8. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида” ги 2008 йил 11 июль қонуни // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2008 й., 29-30-сон, 277-модда.

9. Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги 1999 йил 19 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 1999. 9-сон, 208-модда.
10. Ўзбекистон Республикасининг “Прокуратура тўғрисида”ги 2001 йил йил 29 август Қонуни // Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Ахборотномаси, 2001. 9-10-сон, 168-модда.
11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хўжалик юритувчи субъектларнинг иқтисодий ночорлиги ва шартнома мажбуриятларининг бажарилиши учун мансабдор шахсларнинг жавобгарлигини кучайтириш тўғрисида”ги 1998 йил 4 март 1938-сонли Фармони. Ўзбекистон Республикаси Қонунлари тўплами, 1998. 3-сон, 43-модда.
12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2005 йил 11 февралдаги 60-сон қарори билан тасдиқланган “Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш Қоидалари” //Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2005 й., 5-6-сон, 35-модда; 2010 й., 13-сон, 96-модда.
13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигидан 1999 йил 14 июнда №746-сон билан рўйхатдан ўтган “Идоравий мансублиги, мулкчилик ва хўжалик юритиш шаклидан қатъи назар корхона, муассаса, ташкилотларнинг Намунавий ички меҳнат тартиби қоидалари”//Ўзбекистон Республикаси вазирликлари, давлат кўмиталари ва идораларининг норматив ҳужжатлари ахборотномаси, 1999 йил, 9-сон.

III. Суд амалиёти материаллари:

1. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1990 йил 14 декабрь 5-ПЛ-90-сонли “Ишчи ва хизматчиларнинг корхона, муассаса, ташкилотга етказилган зарар юзасидан моддий жавобгарлигини белгиловчи қонунларнинг республика судлари томонидан қўлланилиши ҳақида”ги Қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Ахборотномаси, 1993. – № 2.
2. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1992 йил 19 июль 5-ПЛ-92-сонли “Суд амалиётида фуқаро ва ташкилотларнинг шаъни, кадр-қиммати ва ишчанлик обрўсини ҳимоя қилиш ҳақидаги қонунларни қўллаш тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами, 1991-2006. 1-жилд // Н.З.Ташматов ум. таҳр. остида. – Тошкент: Адолат, 2006.
3. Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленумининг 1994 йил 5 январь 21-сонли “Даъво муддатини қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарори.

- Ўзбекистон Республикаси Олий хўжалик суди Пленуми ва Раёсати қарорлари тўплами. 1993-2001 й. – Тошкент: Адолат, 2001.
4. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 1998 йил 11 сентябрь 21-сонли “Жиноий ҳаракатлар оқибатида етказилган моддий зарарни қоплаш масаласига доир суд амалиёти тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами 1991-2006. 1-жилд // Н.З.Ташматов ум. таҳр. остида. – Тошкент: Адолат, 2006.
 5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2000 йил 28 апрель 7-сонли “Маънавий зарарни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами, 1991-2006. 2-жилд // Н.З.Ташматов ум. таҳр. остида. – Тошкент: Адолат, 2007.
 6. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2003 йил 19 декабрь 18-сонли “Меҳнат вазифаларини бажариши муносабати билан ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига етказилган зарарни қоплашга оид низолар бўйича суд амалиёти ҳақида”ги Қарори. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорларининг тўплами. 1991-2006. 2-жилд // Н.З.Ташматов ум. таҳр. остида. – Тошкент: Адолат, 2007.

IV. Махсус адабиётлар:

1. Киселев И.Я. Зарубежное трудовое право. -М.: Инфра-М, 1998.
2. Исламов З. Общество.Государство.Право.-Ташкент: Адолат, 2001.
3. Зокиров И.Б.Фуқаролик ҳуқуқи.Дарслик. I қисм. –Тошкент: ТДЮИ, 2006.
4. Fuqarolik huquqi. Q. II/ M.Abdusalomov, X.Azizov, B.Ahmadjonov va boshq. – Toshkent: Adolat, 2007.
5. Иноятлов А.А. Ўзбекистон Республикасининг меҳнат ҳуқуқи. – Тошкент: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси нашриёт уйи, 2002.
6. Турсунов Й. Трудовое право. –Ташкент: ТГЮИ, 2005.
7. Tursunov Y., Usmanova M. Mehnat huquqi. – Toshkent: TDYUI, 2006.
8. Эгамбердиева Н.Х. Фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик асослари ва шакллари. Монография. –Тошкент: ТДЮИ, 2007.
9. Мамасиддиқов М.М.Меҳнатга оид етказилган моддий ва маънавий зарарни судда ундиришнинг назарий ва амалий муаммолари.Монография.-Тошкент: АҚХМИ, 2008.
- 10.Гусов К.Н.Ответственность по российскому трудовому праву. Научно-практическое пособие. –М.: Проспект, 2008.

11. Дзарасов М.Э. Ответственность в трудовом праве. Учебное пособие. – М.: МГИУ, 2009.
12. Давлат ва ҳуқуқ назарияси. Дарслик. Х.Т.Одилқориев таҳрири остида. – Т: Sharq, 2009.
13. Мамирқулов Ш., Базоров М., Икрамов Ж. Корхоналарда меҳнат интизомини таъминлаш.-Тошкент: ЎзМУ нашриёти, 2012.
14. Эгамбердиева Н.Х. Фуқаронинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказганлик учун фуқаролик-ҳуқуқий жавобгарлик муаммолари. Монография. –Тошкент: Наврўз, 2014.

V. Қўшимча адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар. – Тошкент: ТДЮИ, 2008.
2. Й.Турсунов. Ўзбекистон Республикасининг Меҳнат кодексига шарҳлар.(Илмий-амалий, моддалар бўйича шарҳлар).–Тошкент: ТДЮИ, 2015.
3. Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексига шарҳ. Илмий шарҳлар. Т.3.-Тошкент: Baktria press, 2013.

VI. Интернет сайтлари:

1. [http:// www.mehnat.uz](http://www.mehnat.uz) (Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги)
2. [http:// www.supcourt.uz](http://www.supcourt.uz) (Ўзбекистон Республикаси Олий суди)
3. <http://www.press-servise.uz> (Ўзбекистон Республикаси Президенти матбуот хизмати)
4. <http://www.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси ҳукумати портали)
5. <http://www.parliament.gov.uz> (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси)
6. <http://www.mf.uz> (Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги)
7. <http://www.lex.uz> (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Ҳуқуқий ахборот билан таъминлаш маркази)
8. <http://www.minjust.uz> (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги)